



Конституциямиз моҳиятига чуқур сингдирилган демократия ва ижтимоий адолатга садоқат ҳамда инсонпарварлик тамойилларини таъминлаш бўйича мамлакатимизда тизимли ва ортга қайтмайдиган демократик ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Муносабат

ЎЗБЕКИСТОННИНГ МИНТАҚАДАГИ ЯНГИ ТАШҚИ СИЁСАТИ

Ақром НЕЪМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директорининг биринчи ўринбосари

Амир САЛОМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти бўлим раҳбари

Конституциямиз қабул қилинганининг 28 йиллик байрами муносабати билан Президентимизнинг халқимизга йўллаган табригида илгари сурилган муҳим фикр ва ғоялар шу кунларда мамлакатимиз жамоатчилиги ўртасида қизғин муҳокама қилинмоқда. Дарҳақиқат, Конституциямизнинг қоида ва тамойилларидан келиб чиқиб, бундан тўрт йил олдин қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар изчиллик билан амалга оширилиши натижасида бугун халқимизнинг дунёқараши тубдан ўзгарди.

Жамиятимизнинг барча соҳаларида туб ислохотлар амалга оширилляпти. Ҳатто, глобал пандемия шароитида ҳам бошланган хайрли ишлар асло сусаймади. Аксинча, вазиятдан келиб чиқиб инсон ҳуқуқ ва манфаатини таъминлашга оид чора-тадбирлар янада жадаллашди.

Албатта, юртимизда амалга оширилаётган бундай кенг қамровли ишлар энг аввало, халқимизнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш, жамиятимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришда муҳим омил бўлмоқда. Халқимиз бугунги кунда мураккаб синовларни мардона енгиб, юртимизда эркин, обод ва фаровон ҳаёт — янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқда.

Бугун “Янги Ўзбекистон” деган ибора халқаро майдонда нафақат янги тушунча, балки реал ижтимоий ҳодиса сифатида қабул қилинмоқда. Конституциямиз яратиб берган улкан ҳуқуқий имкониятларнинг самараси бўлган бундай ютуқ ва натижалар барчамизга, албатта, юксак ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Айтиш кераки, Конституциямиз халқимизнинг асрлар давомида орзу қилган мустақиллигининг ёрқин рамзи, тинч ва осуда ҳаёт кечириши, миллий қадриятларимиз, тарихимиз ва маданиятимизнинг тикланиши, шунингдек, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатларини белгилаб берган қомусий ҳужжатдир.

▶ Давоми 2-бетда

Нигоҳ

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

Америка Қўшма Штатлари Давлат департаменти 2020 йил 7 декабрь куни расмий баёнот бериб, Ўзбекистоннинг диний эркинликлар соҳасидаги “Махсус назорат рўйхати”дан чиқарилганини эълон қилди. Жумладан, Давлат котиби Майкл Помпео мамлакатимиз эътиқод эркинлигини таъминлаш соҳасида улкан ўсишга эришганини эътироф этди.

Мазкур баёнот Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганининг 28 йиллиги арафасида қабул қилинган ҳам чуқур рамзий маънога эга. Бу Президент Шавкат Мирзиёев бошлаб берган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, миллатлараро, конфессиялараро тотувлиқни мустаҳкамлашга йўналтирилган демократик ислохотларнинг халқаро миқёсда тан олиншидир.

Таъкидлаш жоизки, 2018 йилнинг декабрь ойида АҚШ Давлат департаменти томонидан Ўзбекистон алоҳида хавотирга молик давлатлар рўйхатидан чиқарилиб, махсус кузатувга қўйилган эди. Халқаро экспертларнинг фикрича, Ўзбекистонда диний таъкилотларнинг рўйхатга олиниш тизими ҳам тубдан ислохот қилинган. Диний сабаблар билан озодликдан маҳрум этилган фуқароларнинг суд иши қайта кўриб чиқилиб, аксарияти афв этилган. Экстремистик гуруҳларга алоқадор,

деб ҳисобланган 20 мингдан зиёд фуқаро ҳуқуқ-тартибот идоралари рўйхатидан чиқарилди ва бундай рўйхатни давом эттириш амалиёти бекор қилинди.

Ана шу ислохотлар самарасида энди Ўзбекистонимиз билан дин эркинлиги тўлиқ таъминланган мамлакат сифатида ҳам фахрланамиз, дунё шундай баҳо беради бизга.

АҚШнинг Халқаро диний эркинликлар соҳасидаги махсус топшириқлар бўйича элчиси Сем Браунбек Давлат котиби қарори Президент Шавкат Мирзиёевнинг эътиқод эркинлигини таъминлаш соҳасидаги мустаҳкам иродаси, унинг бевосита раҳбарлигида амалга оширилган кенг қўламли фаолият, ўзгаришлар ва ислохотлар натижаси эканини таъкидлади.

▶ Давоми 4-бетда

Меҳр-3

ВАТАНГА ҚАЙТИШ БАХТИ: ОЗОД, ХОТИРЖАМ ВА ТЎКИС ҲАЁТ



Улугбек АСРОРОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Ўзбекистонда Конституция байрами — 8 декабрь тонгини барча юртдошларимиз буюк фахр, кўтаринки кайфият, шукроналик билан қарши олди. Кенг жамоатчилик мустақиллигимиз абадий бўлсин, юртимиздаги фараҳли ўзгаришлар ривожлансин, тинчлигимиз, аҳиллигимизга кўз тегмасин, дея дуолар қилди. Ана шу файзли тонгда Тошкент халқаро аэропортига келиб қўнган самолётда “Меҳр-3” инсонпарварлик операцияси доирасида Суриядан 98 юртдошимиз — аёллар ва болалар Ватанга олиб келинди.

ВАТАН НЕДУР, МЕҲР НЕДУР?!

Бегона тупроқ — девона тупроқ, дейди донишманд халқимиз. Ҳақ гап. Ватандан кетиб, кечиб бахт излаганлар адашади. Аслида инсон учун кўп нарсаси керак эмас. Киндик қони томган қадрдон гўшаси, ёру биродарлари, яқинлари бўлса, тинч яшаса бас. Қорни ҳам тўяди, меҳрга, дийдорга ҳам ташналик сезмайди. Бемаврид, бесамар мақсад билан ватансиз қолишдан эса Аллоҳнинг ўзи асра-син. Лекин инсон қисматида адашиш аён ҳақиқат. Шу боис, беайб Парвардигор, деймиз. Фақат аччиқ ҳақиқатлардан тўғри хулоса чиқариш жуда муҳимдир. Уларни тушуниб, меҳр кўрсатиш эса ғоят юксак инсоний фазилат саналади.

Сурия — нотинч ҳудуд. Бу мамлакатда ҳамон жанговар ҳаракатлар давом этмоқда. Энг даҳшатлиси, бегуноҳ инсонлар, масъума аёллар, муштипар опа-сингиллар, қалби орзуларга тўла мурғак болалар ҳалок бўляпти. Уйқусида ҳаловат йўқ,

ҳаёт мазмунини йўқолиб бормоқда. Афсуски, улар орасида бир вақтлар адашиб, ёлғон ваъдаларга ишониб ватанни тарк этган Ўзбекистон фуқаролари ҳам бор.

Неча йилки улар надомат билан яшади. Юртга қайтишнинг имконини топа олмади. Бу вақтда Ўзбекистон тобора ривожланиб, ҳаёт ҳусни гўзаллашиб борди. Инсонпарварлик ғоялари авж олди. Бу ислохотларга ҳамоҳанг Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг кучли сиёсий иродаси билан Сурия, Ироқ каби нотинч мамлакатлардан Ўзбекистон фуқаролари юртимизга олиб келина бошланди.

Ғоят мураккаб, лекин мақсадларимизга уйғун бу саъй-ҳаракатлар “Меҳр” инсонпарварлик операцияси, деб номланди.

Унинг доирасида 2019 йил Сурия ва Ироқдан 220 юртдошимиз, асосан аёллар ва болалар олиб келинганини яхши биламиз. Аввал бошданок Президентимиз Ўзбекистон фуқаролари қаерда ва қандай шароитда бўлишдан қатъий назар, давлатимиз ҳимоясида бўлишини, ҳеч ким эътибордан четда қолмаслигини айтган эди.

Ҳар қандай инсонга катта куч ва журъат бағишловчи бу гап кеча тонгда яна бир бор ўз исботини топди.

Давлатимиз раҳбарининг бевосита назорати остида амалга ошириб келинаётган “Меҳр” инсонпарварлик операциясининг навбатдаги босқичи доирасида Суриянинг жанговар ҳаракатлар давом этаётган қисмидан 98 юртдошимиз, яъни 25 аёл ва 73 бола жонажон Ватани — Ўзбекистонга қайтарилгани ҳақида айтдик. Етмиш уч боланинг 14 нафари чин етим эди. Бундай инсонларга меҳр кўрсатиш, ёрдам бериш, жуда камтарлик билан айтганда, буюк жасорат.

▶ Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нефть-газ кимё sanoатидаги истиқболли лойиҳалар ҳолатига оид тақдимот билан танишди.

Нефть-газ кимёси — қўшимча қиймат яратадиган, экспортда катта ўрин тутадиган тармоқ. Ўзбекистонда хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаб, иқтисодий самарадорликни кўпайтириш мақсадида кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Тақдим этилган барча лойиҳалар самарасида **4,1** миллиард доллар қийматидаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, **1,1** миллиард долларлик импорт ўрни тўлдирилиши ва **1,45** миллиард долларлик экспорт таъминланиши мумкин. Жами **6** минг **500** га яқин иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

Тармоқлар раҳбарларининг хомашёни чуқур қайта ишлаш ҳамда ташқи бозорда харидоргир бўлган, юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар тайёрлашга қаратилган янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш борасидаги фаолияти танқидий баҳоланди.

Кўпikli полипропилен, ёғоч-полимерли композит лист, водород пероксида, карбоксиметилцеллюлоза асосида реагентлар, карбамид формальдегид концентрати, сульфат кислота, карбонат ангидрид газидан сода ишлаб чиқариш каби истиқболли лойиҳалар келаси йили ишга туширилади. Поливинилхлорид, каустик сода ва метанол заводининг иккинчи босқичи ҳамда компрессорни ювувчи саноат мойи корхонаси бўйича ишлар бошланади.

Табий газни чуқур қайта ишлаш бўйича қарийб **9** миллиард долларлик **52** та лойиҳа белгиланган. Шундан **15** таси ноорганик кимё, **23** таси органик кимё, **12** таси полимерлар бўйича.

Муносабат

ЎЗБЕКИСТОННИНГ МИНТАҚАДАГИ ЯНГИ ТАШҚИ СИЁСАТИ

Бошланиши 1-бетда



Шу билан бирга Конституциямиз ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, суверенитетимизни мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг халқаро муносабатларда тенг ҳуқуқли субъект сифатида фаолият олиб боришини ўзида мўжассам этган миллий манфаатларимиз йўғиндисиدير.

Бундан ташқари, давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида туб ўзгаришлар ва кенг қўламли ислохотлар, шу жумладан, қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқлари тамойилларининг мустаҳкамланиши, эркин бозор муносабатлари ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодиётни ривожлантириш, узоқ ва янги хорижий давлатлар билан ўзаро манфаатли алоқаларнинг ўрнатилишида Конституциямиз муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугун Ўзбекистоннинг Конституцияда белгиланган халқаро ҳуқуқнинг белгиланган тамойили ва меъёрларига асосланган, тинчликпарвар, дўстона ва ўзаро манфаатли ҳамкорликка қаратилган фаол ташқи сиёсат олиб бориши ички сиёсатимизнинг антикий қиломиридир. У мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашга, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлашга, мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий ривожланишига ва халқаро майдонда ўз салоҳиятини тўлиқ намоён қилишига замин яратмоқда.

Юқорида санаб ўтилган вазифалар ва миллий манфаатларимизни амалга оширишга қаратилган Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати нималарда намоён бўлмоқда?

Биринчидан, бу сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасида олиб бораётган мутлақо янги ташқи сиёсатиدير. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, Марказий Осиё давлатлари билан дўстона, яқин кўшничилик ва ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бу ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналиши сифатида белгиланган. Бундан қўзланган асосий мақсад — минтақада тинчлик, барқарорлик ва хавфсизлик муҳитини шакллантириш ва халқларнинг фаровон ҳаёт кечиришига шароит яратиш.

Минтақавий муносабатларнинг янги босқичга чиқишига 2017 йил Самарқанд шаҳрида БМТ шафелигида Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлаш бўйича “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик” мавзусида халқаро конференция ўтказилиши ва ушбу тарихий тадбирдан кейин шаклланган “Самарқанд руҳи” катта замин яратди.

Бунинг натижасида, қисқа вақт ичида Марказий Осиё халқларининг биргаликдаги сазй-ҳаракатлари туфайли минтақада дўстлик, яхши кўшничилик ва ҳамкорлик муҳитини яратишга эришилди.

Сиёсий ишонч юксак даражага кўтарилди. Бу эса минтақадаги ҳаётий муҳим муаммоларни самарали ҳал этиш имконини бермоқда. Ўзбекистон раҳбарияти ушбу йўналишда изчил, чуқур ўйланган ва ташаббускор ташқи сиёсат олиб бормоқда.

Шу ўринда алоҳида қайд этиш лозимки, Марказий Осиёдаги ижобий ўзгаришлар минтақани жаҳон ҳамжамиятида ўрни ва нуфузини оширишга хизмат қилмоқда. Биринчи навбатда, бунга мисол сифатида илк маротаба БМТда “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш” резолюцияси қабул қилинганлигини келтириб ўтсак бўлади.

Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилинган ушбу резолюциянинг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, ушбу ҳужжат орқали барча Марказий Осиё давлат раҳбарларининг минтақада ишонч ва яхши кўшничилик муҳитини янада мустаҳкамлашга бўлган интилиши ва қатъий сиёсий иродаси намоён бўлди.

Иккинчидан, Марказий Осиё мамлакатлари томонидан илк маротаба минтақадаги ҳамкорликнинг устувор йўналишлари умумий ва яхлит консенсусга бирлаштирган ҳолда халқаро ҳужжатда белгилан бўлинди. Шу билан бир қаторда, резолюциянинг қабул қилиниши Марказий Осиё мамлакатлари минтақа тақдирини учун маъсулларни тўлиқ ўз зиммаларига олишга тайёр эканликларини тасдиқлади. Илк бор Марказий Осиё давлатларининг мақсадлари ва манфаатлари ягона минтақа сифатида намоён бўлди.

Ушбу фикрнинг мантыйқий давомий сифатида таъкидлаш жоизки, **АҚШ Карнеги маркази** мутахассислари эътироф этишича, минтақада кузатилаётган жараёнларни янгилабнаётган Марказий Осиёнинг ўзига хослигини топишга бўлган ҳаракат, деб баҳолаш мумкин. Ҳозирги минтақавий яқинлик ва дўстона муносабатлар, Марказий Осиё давлатлари мустақилликка эришган даврдан бери илк бора кузатилаётган ижобий ҳодисадир.

Жаҳон ҳамжамиятида Марказий Осиёнинг аҳамияти ва ролли ошиб бораётганлигини минтақада ва бошқа чет эл мамлакатлари ечи халқаро бирлашмалар ўртасида мулоқотнинг турли форматлари

“**Ўзбекистон ва минтақа давлатлари ўртасида савдо айланмаси 2016 йилда 2,4 миллиард АҚШ долларини ташкил этган бўлса, ушбу рақам 2019 йилга келиб 5,2 миллиард АҚШ долларига етди. Пандемия шароитига қарамасдан, жорий йилнинг январь-октябрь даврида товар айланмаси 3,8 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди.**

ташкил қилинаётганлигида кўришимиз мумкин. Мавжуд “Марказий Осиё — АҚШ”, “Марказий Осиё — Европа иттифоқи”, “Марказий Осиё — Корея Республикаси”, “Марказий Осиё — Япония” каби мулоқот форматлари қаторига охири йилларда “Марказий Осиё — Ҳиндистон”, “Марказий Осиё — Хитой” ва “Марказий Осиё — Россия Федерацияси” сингари янги форматлар қўшилди.

Бу ўз навбатида, минтақадаги ижобий ўзгаришлар натижасида юзага келган мутлақо янги муҳит дунёнинг етакчи давлатлари томонидан Марказий Осиёга нисбатан эътиборнинг ошганлигини кўрсатяпти. Эндиликда, чет эл мамлакатлари минтақа мамлакатлари билан нафақат **иккитомонлама** ҳамкорлик доирасида, балки ягона минтақавий **кўптомонлама** муносабатларни ривожлантиришга аҳамият қаратмоқда.

Шунингдек, “Марказий Осиё ва + ” форматлар орқали минтақадаги умумий эҳтиёжлари доирасидан келиб чиққан ҳолда, ягона мақсадларни амалга ошириш учун замин яратилляпти.

Бу ўз навбатида, минтақадаги барча мамлакатлар манфаатларини инобатга олган Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлашга қаратилган катта қадамдир. Шу билан бирга, минтақа ҳамда бошқа давлат ва халқаро институтлар ўртасида янги форматларнинг тузилиши бу, Марказий Осиёнинг геосиёсий ва иқтисодий аҳамияти ошиб боришига, шунингдек, минтақага халқаро муносабатлардаги яхлит сиёсий-дипломатик субъект сифатида қаралишига олиб келмоқда.

Бу ўз навбатида, минтақанинг барқарорлигини таъминлаб, инвестицион жозибдорлигини оширяпти, ташқи давлатлар ва инвесторлар билан ҳамкорлик учун кенг имкониятлар очиб беряпти. Айни пайтда Ўзбекистон ва минтақа давлатлари ўртасида шаклланган янги муҳит барча йўналишларда ўз натижасини бермоқда.

Сиёсий, савдо-иқтисодий, трансега-равий, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, чегараларни делимитация ва демаркация қилиш, чегара пунктларини кесиб ўтиш каби энг долзарб муаммоларни минтақа давлатлари очик ва дўстона руҳда ечишмоқда.

Шу ўринда баъзи бир мисолларни келтириб ўтсак:

Ўзбекистон ва минтақа давлатлари ўртасида савдо айланмаси 2016 йилда 2,4 миллиард АҚШ долларини ташкил этган бўлса, ушбу рақам 2019 йилга келиб 5,2 миллиард АҚШ долларига етди. Пандемия шароитига қарамасдан, жорий йилнинг январь-октябрь ойда товар айланмаси 3,8 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди.

Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатлари ўртасида савдо-иқтисодий ва инвестицион муносабатларнинг жадал-

лик билан ривожланишига яна бир далил сифатида қўшма ва хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сонининг ўсиш кўрсаткичларини келтириб ўтиш мумкин. Мисол учун, 2017 йил Ўзбекистон ҳудудида Марказий Осиё давлатлари капитали иштирокидаги корхоналар сони 312 та бўлса, жорий йилнинг июль ойига келиб ушбу рақам 4 баробарга ошиб, 1 357 тага етди.

Чегара пунктлардаги баъзи бир тўсиқларнинг олиб ташланганлиги натижасида Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатлари фуқаролари ўртасида алоқалар тубдан яхшиланди. Таққослаш учун, 5 йил олдин Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги чегара пунктларидан бир суткада 200-300 нафар фуқаро ўтган бўлса, ҳозирги кунда бу рақам 30 мингга етди.

Тожикистон билан ҳам чегара пунктларини суткасига 20 минг нафар фуқаро кесиб ўтмоқда. Буларнинг барчаси минтақа давлатлари халқлари учун яратилган қулай шарт-шароитлар натижасидир.

Шу билан бирга айтиб ўтиш лозимки, Марказий Осиё минтақасида шаклланган дўстона ва яхши кўшничилик муҳити сабабли минтақанинг инвестицион-иқтисодий салоҳияти янада ошиб бормоқда. Хусусан, Марказий Осиё давлатларининг инвестицион жозибадорлиги яхшиланиб, 2019 йилда минтақа мамлакатлари иқтисодида 37,6 миллиард АҚШ доллари миқдориди хорижий инвестиция жалб қилинди. Бу кўрсаткич 2016 йилга нисбатан 40 фоиз кўп. Ўз навбатида минтақа давлатларининг чет эл мамлакатлари билан ташқи савдо айланмаси 2019 йилда 2016 йилга нисбатан 56 фоиз ошиб, 168 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди. Минтақа мамлакатларига ташриф буюрувчи фуқаролар сони 2019 йилда 18 миллион нафардан ошиб, 2016 йилга нисбатан 93 фоиз ўсишга эришилди.

Ушбу кўрсаткичларнинг яхшиланиши, ўз навбатида минтақа ялли ички маҳсулотининг жадал ўсишига олиб келмоқда. Хусусан, 2016 йилга нисбатан 2019 йилда минтақа ЯИМ 19,6 фоиз ўсиб, 302,8 миллиард АҚШ долларига етди.

Понянинг нуфузли “The Diplomat” нашрининг ёзишича, Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланиши Марказий Осиёда минтақавий муносабатларнинг буткул яхшиланишига туртки бўлди. Ўзбекистон раҳбари ташқи сиёсатидаги биринчи амалий ҳаракатлари, кўшни давлатлар билан сакланиб қолган муаммоларни конструктив йўллар орқали ечиб, муносабатларни янги босқичга олиб чиқди. **Ўзбекистон раҳбарияти Марказий Осиё имкониятлар минтақасига айланиб бормоқда.**

Ўзбекистоннинг минтақавий ташқи сиёсати ҳақида гап кетар экан, яна бир муҳим йўналиш — бу шубҳасиз, Афғонистондаги вазиятидир. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, **Афғонистон Марказий Осиё минтақасининг бир қисми ҳисобланади, икки мамлакат халқлари асрлар давомида ягона маданий-цивилизацион маконда яшаб келган.**

Қайд этиб ўтиш лозимки, ҳозирда дунё ҳамжамиятида Афғонистонда тинчликни ўрнатилишга қаратилган сазй-ҳаракатларнинг сезиларли фаоллашувига туртки берган ҳодиса, бу — 2018 йил март ойда Тошкентда Афғонистон бўйича ўтказилган халқаро конференциядир.

Анжуман якунида қабул қилинган Тошкент декларацияси Афғонистон ҳукумати ва “Толибон” ҳаракати ўртасида турғун-турғи тинчликпарвар музокаваларни зудлик билан бошлаш зарурлиги бўйича минтақавий ва глобал даражадаги ягона позицияни намоиш этди.

Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда Ўзбекистон ташқи сиёсатидаги устувор мақсад бу, шубҳасиз, Марказий Осиё давлатлари билан ушбу йўналишда кенг қамровли ҳаракатларни амалга оширишдир. Ўз навбатида, сўнгги йилларда Марказий Осиёдаги янги минтақавий ҳамкорлик Афғонистон

масаласида ҳам ягона позиция шаклланишига олиб келди. Хусусан, 2018 йил январь ойда БМТ Хавфсизлик Кенгашида Марказий Осиё давлатлари ташқи ишлар вазирлари иштирокида “**Хавфсизлик ва тараққиётнинг ўзаро бoғлиқ модели сифатида Афғонистон ва Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликни йўлга қўйиш**” мавзусида махсус учрашув ташкил қилинди.

Бундан ташқари, Марказий Осиё давлат раҳбарларининг 2019 йил Тошкент шаҳрида ўтказилган иккинчи Маслаҳатлашув учрашувлари доирасида қабул қилинган Қўшма баёнотда барча давлатларнинг Афғонистонда тинчликни ўрнатиш манфаатдорлиги акс эттирилди. Бунда минтақа давлатлари Афғонистонни Марказий Осиё савдо-иқтисодий ва инфратузилмавий лойиҳаларга жалб этиш бўйича сазй-ҳаракатларни давом эттириш муҳимлигини таъкидлаб ўтишди.

Қайд этиш лозимки, Тошкентнинг Афғонистон йўналишидаги янгиланган сиёсати ва ташаббуслари бутун Афғонистонда — мамлакат аҳолиси, расмий ҳукумат, турли сиёсий кучлар томонидан муносиб кутиб олинмоқда.

Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги муносабатлар фаоллашуви натижасида иккитомонлама савдо-иқтисодий алоқалар сезиларли даражада фаоллашди. Хусусан, икки давлат ўртасидаги савдо айланмаси 2019 йилга келиб 617 миллион АҚШ долларини ташкил қилди, бу 2015 йилга нисбатан 28 фоиз юқори кўрсаткичдир. Савдо-иқтисодий алоқаларнинг фаоллашуви транспорт-логистика соҳасига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Мисол учун, 2019 йилга келиб темир йўл орқали юк ташвиш ҳажми 10 фоиз ошиб, 1,1 миллион тоннага етди.

Икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик энергетика соҳасида ҳам жадаллашмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Афғонистонга электр энергиясини етказиб бериш ҳажминин 2002 йилга нисбатан 30 бараварга оширди.

Иккитомонлама муносабатларнинг муҳим йўналишларидан яна бири, бу — афғонистонлик малакали кадрларни тайёрлаш масаласидир. Ушбу мақсадда 2018 йил Термиз шаҳрида Афғонистон фуқароларини ўқитиш маркази очилиб, бугунги кунда 136 нафар афғонистонлик талаба ўқиниш юнудди. Ушбу битирувчилар ҳозирги кунда Афғонистон парламенти, вазирлик ва идораларида фаолият кўрсатяпти. Ҳозирги кунда Термиздаги ўқув марказида 172 нафар афғон талабаси таҳсил олмоқда. Эътиборга молик жиҳати шундаки, уларнинг 46 нафари афғонистонлик қизлар.

Германиянинг **Илм-фан ва сиёсат жамғармаси** экспертлари фикрига кўра, Ўзбекистоннинг минтақадаги, шу жумладан, Афғонистон йўналишидаги ташқи сиёсати мамлакатни инвесторлар учун жозибадор ва халқаро ҳамжамията ишончли ҳамкор сифатида гавдаланишига сабаб бўлмоқда. Германиялик мутахассисларнинг таъкидлашича, Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатида олиб бораётган буткул янгича ислохотлар нафақат мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ижобий таъсир кўрсатяпти, шу билан бирга Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги муҳим давлатлардан бири сифатида тан олинishiга олиб келмоқда.

Учинчидан, глобал ва умумбашарий муаммоларни ечишда Ўзбекистон ўз ташаббуслари ва амалий ҳаракатлари натижасида халқаро ташкилотлар ва давлатлар томонидан стратегик ва ишончли ҳамкор сифатида тан олинмоқда. Хусусан, 2018 йил 12 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг ялли сессиясида “**Маърифат ва диний бағрикенглик**” деб номланган махсус резолюция қабул қилинди. Мазкур ҳужжат лойиҳаси Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, БМТга аъзо барча давлатлар томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди. Қайд этиб ўтиш лозимки, ушбу тарихий резолюциянинг қабул қилиниши 2017 йил сентябрь ойда Нью-Йоркда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Президент Шавкат Мирзиёев илгари сурган ташаббуснинг амалий ифодаси бўлди.

Шу билан бир қаторда, жорий йил октябрида Ўзбекистон илк бор БМТнинг **Инсон ҳуқуқлари кенгашига** аъзо сифатида сайланди. Мамлакатимизда ушбу соҳани янада ривожлантириш мақсадида Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегия ва уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” ҳам тасдиқланган. Ўз ўрнида ушбу ташаббусларнинг замирида Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кафолатланган инсон ҳуқуқлари, яъни, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, мамлакатимиз фуқаролари тенгликнинг таъминланиши бўйича тамойиллар муҳим ўрин тутади.

Муштарак қилиб айтганда, бугунги кунда Ўзбекистон олиб бораётган минтақавий ва глобал ташқи сиёсатнинг ижобий махсулига асос бўлиб Конституциямизда белгиланган тамойил ва вазифаларнинг муҳассаласи намоён бўлмоқда. Энг муҳими, мамлакатнинг ташқи сиёсати давлат ва халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев куни кеча бутун Ўзбекистон халқини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 28 йиллик байрами билан самимий муборакбод этди. Байрам табригида жорий йилда Конституциямиз яратиб берган улкан ҳуқуқий имкониятлар самараси орқали она халқимиз фаровонлиги йўлида мамлакатимизда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари ҳақида тўхталиб ўтилди. Жаҳонда ҳам, Ўзбекистонда ҳам байрамлар кўп. Лекин хар қандай байрамнинг ҳуқуқий асоси Конституцияда белгиланган. Демак, Конституция қабул қилинган кун бу — Бош байрам, байрамларнинг байрамидир.

Маълумки, Конституция бир марта қабул қилиниб, жойида қотиб қоладиган ҳужжат эмас. Ҳаёт, давр, тараққиёт унга ҳам ўзгартиришлар киритишни талаб қилади. Конституциямизнинг қоида ва тамойилларидан келиб чиқиб, бундан тўрт йил олдин Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди ҳамда кенг қўламли демократик ислохотлар бoшланди. Уларнинг ҳуқуқий асосини Конституциямизга 7 марта киритилган ўзгаришлар, қабул қилинган 5 та кодекс ва 250 га яқин қонунлар ташкил этади.

БАРЧА ИШЛАР ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ УЧУН

Поён БАКИРОВ, Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши депутати, филология фанлар доктори

Жонажон Ватанимизда олиб бориладиган барча ишлар Конституциямизнинг модда, қоида ва тамойилларидан келиб чиқиб, амалга оширилмоқда. Бу жараёнлар Бош қомусимизнинг ҳаётийлиги ва улкан салоҳиятидан далолат беради.

Ҳақиқатан ҳам, ўтган қисқа даврда жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий қиёфаси, одамларимизнинг дунёқарши бутунлай ўзгарди. Ўзбекистонликлар шу жаннатмақон юрtdа яшашни, ишлашни бахт-саодат деб қабул қилмоқда. Бугун бизга мураккаб синовларни мардона енгиб, юртимизда эркин, обод ва фаровон ҳаёт — янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида фидокорона меҳнат қилиш бахти насиб этди.

“**Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир**” деган конституциявий норма асосида мамлакатимизда халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилмоқда. Бу ҳақикий демократия тамойили ўзини тўлиқ оқламоқда. Қаранг, аҳолини арзон уй-жойлар билан таъминлаш бўйича давлат дастури доирасида фақат жорий йилнинг ўзида 13 мингдан зиёд юрtdошларимиз янги уйларга эга бўлибди. Шу билан бирга, Сардоба туманида офатдан зарар кўрган хонадонлар учун кўп қаватли янги уйлар, ижтимоий инфратузилма объектларини ўз ичига олган гўзал ва замонавий шаҳарча бунёд этилди.

Яна бир зғу иш: оғир турмуш шароитида яшаётган мингдан ортиқ хотин-қизларга уй-жой бўйича бошланғич бадаллар тўлаб берилди. Фаол гендер сиёсати доирасида жадал ишлар давом эттирилмоқда.

Конституциямизда белгиланган адолат тамойили ҳаётда тўлиқ ўз ифодасини топмоқда. Жумладан, камбағалликни қисқартириш мақсадида ижтимоий ёрдамнинг янги ва самарали тизими жорий этилди. “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати инсонпарварлиқнинг яна бир юксак намунаси бўлди. Умумхалқ ҳаракати ёрдамга аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож тоифаларига 204 миллиард сўмлик ёрдам кўрсатибди.

Ўтиб бораётган йилда “Янги Ўзбекистон мактаб оstonасидан бошланади”, деган ғоя асосида умуммиллий таълим-тарбия тизимини тубдан ислох қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Дарҳақиқат, таълимга берилаётган эътибор келажакка берилаётган эътибордир. Таълимга киритилган инвестиция ўзини бир неча бор сўзсиз оқлайдиган сармомоидир.

Ўтган даврда илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт, спорт соҳалари ривожлантирилди, маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги оширилди, ёшларнинг, айниқса, қизларимизнинг истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш борасида ҳам кўп ишлар қилинди. Амалга оширилган барча ишлар юртимизда Учинчи Ренессанс — миллий тараққиётимизнинг янги давр пойдеворини яратишга хизмат қилиши мукаррар.

Яна бир оламшумул иш: узоқ вақт фуқароликка эга бўлмаг келган одамлар бугунги кунда ўзларини тўлақонли Ўзбекистон фуқароси, деб ҳис этмоқда. Ўтган илгирма беш йилда 482 нафар шахсга фуқаролик

берилган бўлса, бугунги кунда 50 мингдан зиёд киши шу ҳуқуққа эга бўлмоқда. Мен сайлов жараёнида шу тоифадаги одамлар билан учрашганман. Улар сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга бўлмагани учун қанча изтироб чекканини ўз кўзин билан кўрганман. Ўзбекистон фуқаролигини олиш улар учун дунёдаги энг катта бахт бўлди.

Бутун дунёни пандемия офати қамраб олган бир даврда, 500 мингдан зиёд Ўзбекистон фуқароси юртимизга олиб келинди ва ижтимоий кўмак берилди. Чет элларда қийин аҳволга тушиб қолган 100 мингга яқин юрtdошимизга турли ёрдам кўрсатилди.

Ёлгон ваъдаларга алданиб, мамлакатимиздан чиқиб кетган ва қуролли урушлар бўлаётган жойларда оғир қунларни бошидан ўтказаяётган фуқароларимиз, асосан, аёллар ва болаларни мамлакатимизга қайтариб олиб келингани ўз халқи ҳақида қайғурадиган инсонпарвар давлатимиз раҳбарининг оталарга хос бўлган буюк иши ва Ўзбекистон фуқаролари ҳамиша ўз давлати ва Конституцияси ҳимоясида эканидан далолатдир.

Президентимиз эришган ижобий натижалар билан биргаликда ҳали олдимизда турган улкан вазифалар ҳақида ҳам тўхталиб ўтди.

Биринчидан, Конституция ва қонунларимизни янада такомиллаштиришни бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда. Жумладан, халқимиз манфаатларига, ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштиришга хизмат қиладиган қонунларни қабул қилиш, давр талабларига жавоб бермайдиган қонун ҳужжатларини бекор қилиб, қонунчилик базасини ихчамлаштириш, бизнес фаолиятини тартибга солиш борасидаги ортиқча нормаларни қамайтириш зарур. Ушбу вазифаларни бажаришда сиёсий партиялар ва фуқаролик жамияти институтлари янада фаол бўлиши таъкидланади.

Иккинчидан, тараққиёт кушандаси бўлган коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашининг таъсирчан усулларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозимлиги қайд этилди. Чўнки коррупция — бу давлатимизда ич-ичидан емириб, миллий хавфсизлигимизга раҳна соладиган ғоят хатарли таҳдид ва унга қарши муросасиз кураш олиб бориш зарурлиги айтиб ўтилди.

Учинчидан, мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни мустаҳкамлаш, жамоат тартибини сақлаш масалаларига янада қучли эътибор қаратишимиз зарур. “**Қонун — устувор, жиноятга — жазо мукаррар**” деган конституциявий тамойил амалда таъминланади.

Тўртинчидан, ёши улгулар, нурунийлар, хотин-қизлар, ёшларнинг ҳаётий манфаатлари таъминланади, кўпмиллатли юртимизда тинчлик ва ҳамжиҳатлик муҳити мустаҳкамланади.

Бешинчидан, сўз ва матбуот эркинлиги, оммавий ахборот воситалари мустақиллиги таъминланади, давлат ҳокимияти идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишга қаратилган ишларимизнинг таъсирчанлиги янада ошади.

“Барча соҳаларда амалга ошираётган ислохотларимиз қатори жамиятимизда очиклик ва ошкоралик, ўзини ўзи тан



ВАТАНГА ҚАЙТИШ БАХТИ: ОЗОД, ХОТИРЖАМ ВА ТЎКИС ҲАЁТ

Бошланиши 1-бетда

Бу ҳақда юртдошларимизни аэропортда кутиб олган Тошкент шаҳар бош имом-хатиби Нуриддин Холиқназаровнинг фикрлари куйидагича:

— Суриядан олиб келинган юртдошларимиз уруш ўчоқларида кўп қийинчиликларни бошидан ўтказган, жуда кўпчилиги бир неча ойлаб оғир аҳволда қолиб кетганини ҳозир ўзларидан эшитиб, гувоҳ бўлиб турибмиз. Уларнинг юз-кўзидан унутилмас миннатдорлик ҳиссини пайқаш қийин эмас. Албатта, уларни юртга қайтариш, бу — Президентимизнинг жуда катта ташаббуси ва мустаҳкам сиёсий иродасидир. Ахир улар юртимизда яшаш ҳуқуқига эга ватандошларимиз. Бу амаллар бекиёс савобга йўғрилгандир. Пайғамбаримиз мўмин бандаларини, мусулмонларни кечиримлиликка, бағрикенгликка чақирганлар. Айниқса, етимларнинг бошини силлаган инсон жаннатда менга қўшни бўлади, деб марҳамат қилганлар. Бугун юртимизга қайтган аёллар ва болаларга ғамхўрлик кўрсатаётган давлатимиз раҳбари, шу савоб ишларга ҳисса қўшаётган барча мутасаддилар, ҳар бир инсонга Аллоҳдан ажр, муқофот сўраб қоламиз.

— Инсонга доим тинчлик-осойишталик, хотиржамлик керак. Тинчлигини йўқотганлар, у катта ё кичик бўлсин, доим қўрқув ва зўравонлик остида, эркинликлари чекланган, ҳуқуқлари поймол этилганча яшайди. Энг ёмони ёрқин келажагини тасаввур эта олмайди, — деди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Улугбек Мухаммадиев. — Бугун “Мехр-3” инсонпарварлик операцияси доирасида Суриядан Ўзбекистонга қайтарилган 98 юрдошимизга мана шу тинчлик неъматини қайта насиб этди. Сир эмас, у ёқда ватандошларимиз фақат бир куни билан, тирик қоламанми ёки йўқми, деган хавотирда яшаган. Эртанги кунини тасаввур қилолмаган. Энди улар ўз юртида Президент ғамхўрлигини ҳис этиб, Конституциямизда белгилаб қўйилган барча ҳуқуқларидан фойдалана олади.

Ватандошларимизни олиб келиш учун ҳавонинг совуқлиги инобатга олиниб, Ўзбекистондан янги иссиқ кийимлар, озиқ-овқатлар олиб борилди. Ватанимизга қайтгач ҳам бу жиҳатлар алоҳида эътиборга олинди. Барча шароитлар яратилди. Соғлигини тиклаш, руҳиятини соғломлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Бу ҳам давлатимизнинг ўз фуқароларига, хусусан, аёллар ва болаларга бўлган ғамхўрлиги намунасидир. Шу тариқа улар ўзлигига қайтди. Энди болалар яна шодон кулади, ўйнайди, таълим олади.

Бир сўз билан айтганда, “Мехр” инсонпарварлик операцияси мамлакатимиз ташқи ва ички сиёсатидаги инсонпарварликнинг олий намунаси бўлмоқда.

БИЗ — ЎЗБЕКИСТОНДАМИЗ! БУ ТУШ ЭМАС ЭНДИ...

...Она ер тупроғи! Ажал домидан тинчлик заминига етиб келган аёлларнинг дили ҳаприқади. Атрофга, одамларга боқиб тўймайди. Ҳаммани кучоқлаб, меҳрлашгиси келади. Муқаддас заминни ўпади, йиғлай-

ди, йиғлайди. Йиғисида ҳам ҳикмат бор. — Ёшлик қилиб кетиб қолган эканмиз. Бугун азиз Ватанимизга қайтиш бахтига эришдим. Тезда отам билан, яқинларимиз билан учрашамиз. Улар невараларини кўради. Энди фарзандларимга яхши қараб, тўғри тарбия бериб, Президентимизга, халқимизга муносиб яшайман... — Ўзбекистонга қайтиб боролмасак керак, деб ўйлаган эдим. Ҳеч ишонмаяман, худди туш кўраётгандекман. Ўзимиз кўрдик, жуда катта ҳаракатлар, қийинчиликлар билан олиб келишди. Бизни олиб келишга боришгандан буён томоғимдан овқат ҳам, сув ҳам ўтмади. Ўзбекистонга келиб овқатландим. Кўнглим жойига тушди. Президентимизга минг раҳмат...

— У ёқда вазият жуда оғир. Палаткаларда яшадик, ёмғир, шамол, болаларнинг оёғидан сув ўтиб кетади. Аскарлар тез-тез бостириб келишади, жуда қийин. Юртимизга қайтиб келганимдан бехад хурсандман, ўзимизнинг одамларни қўриб йиғлаб юбордим. Улар қандай яхши...

— Бизни муҳиш ажал домидан олиб келган Президентимизга, мард болаларимизга мингдан минг раҳматлар айтамыз. Уларнинг қадамларига ҳасанотлар ёғсин. Ғамхўрлик кўрсатиб, етимларнинг бошини силаб, зўр шароитларда тарбия қилишни бошлаган давлатимиздан чексиз миннатдоримиз.

ҲАЁТНИНГ ҲАР ЛАҲЗАСИ ГЎЗАЛ...

Коронавирус пандемияси туфайли азият чекилаётган, дунё мамлакатлари иқтисодий таназзулни енгиш илкнжидда бош қотираётган бир шароитда жанговар тўқнашувлар кузатилаётган ҳудудлардан фуқароларини олиб келишга ҳамма ҳам журъат қилмаётгани очик ҳақиқат. Бунинг учун кучли дипломатик келишувлар ва бошқа ўта мураккаб жараёнлар бори, Ўзбекистон раҳбарияти, махсус хизматларимиз шуни удралади.

“Мехр-3” операцияси доирасида қайтарилганлар шу куннинг ўзида Тошкент вилоятидаги “Бўстон” санаторийсига жойлаштирилди, иссиқ овқат ва кийим-кечак билан таъминланди. Кечадан буён улар билан шифокорлар, руҳшунслар ва устозлар мунтазам иш олиб бормоқда. Юртга

Сир эмас, у ёқда ватандошларимиз фақат бир куни билан, тирик қоламанми ёки йўқми, деган хавотирда яшаган. Эртанги кунини тасаввур қилолмаган. Энди улар ўз юртида Президент ғамхўрлигини ҳис этиб, Конституциямизда белгилаб қўйилган барча ҳуқуқларидан фойдалана олади.

қайтган аёллар ва болаларга шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам расмийлаштирилади. Келгусида иш билан таъминланади, болалар таълим муассасаларига боради. Бир сўз билан айтганда, улар янги Ўзбекистонда янги ҳаёт бошлайди. Конституциямизнинг 22-моддаси: Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудига ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни қафолатлайди. Мана тўрт йилдирки, Бош Қонунимизнинг ана шу моддаси фаол ишламоқда. Бунга мисол келтирмаймиз. Ҳаётнинг ўзи мисол, ҳар қадамда инсон ҳуқуқлари таъминланаётганини, халқимиз давлатимизнинг мустаҳкам ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳимояси остида яшаётганини ҳар биримиз қўриб, сезиб, англаб турибмиз. Қолаверса, “Мехр” инсонпарварлик операцияси ҳам фикримиз далилидир.

Шу ўринда яна бир бор таъкидлаш мумкин, Яқин Шарқнинг безовта ҳудудлари — лагерларда ушлаб турилган ҳамюртларимизни қайтариш бўйича тадбирлар Ўзбекистон махсус хизматлари томонидан доимий равишда олиб борилмоқда.

Суриядан юртимизга келган аёллар, болалар билан суҳбатлашар экансиз, уларнинг юз-кўзидаги бир ифодани англаш мушкул эмас эди. Бу ҳисларнинг барчаси жамлашиб, Анвар Обиджоннинг бир сатрида акс этаётгандек туюлди бизга: “Ҳаётнинг ҳар лаҳзаси гўзал, умрининг ҳар они ғанимат”.



Қасбим тақозоси билан турли инсонлар билан суҳбатлашаман. Ўзимникига ўхшаш туйғулар ҳақида эшитсам, дарров кўзимга ёш келади. Худого шукр, “Ватан” сўзи, унинг ажралмас бўлаги бўлган “мадҳия”, “байроқ” сўзлари ҳам китоблардан юракларга кўчапти, дейман.

Бокс бўйича жаҳон чемпиони Ҳасанбой Ҳўсратовнинг онаси билан суҳбатлашганимда бир воқеани эсланган эди:

— Шу ўғлим ўзи болагидан бошқача эди. Бир куни қариндошларимиз уйимизга меҳмонга келишди. Эрталаб телеканаллардан бирида мадҳия янграй бошлади. Меҳмон қариндошларимиздан бири худди шу пайтда телевизор олдида бориб, бошқа каналга олмоқчи бўлдим, Ҳасанбой жон-жаҳди билан:

— “Серқуёв”ни (болалар негидир мадҳиямизни кўпинча шунақа аташади, балки матндаги ўзларига энг яқин сўз бўлгани учундир) тўхтатиб бўлмайди, уни охиригача эшитиш керак! — деди. Қариндошимиз сал кейинроқ дастурхонга ўтирганимизда:

— Бу боландан бир нарса чиқади, — деди.

Балки ўқитувчиси қалбига сингдиргандир... Балки ўзи ҳавас билан томоша қиладиган спорт мусобақаларидаги юлдузли онларнинг таъсиридир, нима бўлганда ҳам бўлажак чемпионнинг қалбига мадҳия айтила бошлаганда тўхташ мумкин эмаслиги ҳақида тушушча бўлган. Аста-секинлик билан бу тушушча ўсиб, улғая борган. Биз Ҳасанбой Ҳўсратовнинг боксда эришган оламшумул ғалабаларининг илдизлари ҳақида гапирганимизда ундаги қизиқишни эрта англаб, йўлқўрсаткич бўлган ота-онасини тилга оламиз. Талабчан, қаттиққўл устозлари меҳнатларини айтмайиз. Ўзидеги тиришқоқлик, ирода, бардош ҳақида гапиримиз.

10 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинган кун



ҚАЛБНИ УЙЎТОВЧИ ҚУДРАТ

Қутлибека РАҲИМБОЕВА,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган маданият ходими

Ватан ҳақида ёзган шеърларимнинг бирида бундай сатрлар бор:

...Мумгардиш ичига киргим келади.

Ҳар ҳарфин, ҳар товшин мадҳиямизнинг

Содиқ аскар каби қўриб ўтирсам

Ёмон қарашлардан, ёмон кўзлардан...

Бир даврада шу шеър ҳақида гап бўлган экан, даврадагилардан бири:

— Шоирлар ҳам жуда муболага қилишади-да! Бир давлатнинг рамзларини (бу шеърда байроқ ҳақида ҳам шунга яқин фикр бор эди) асраш бир аёлга қолибдими? — дебди. Бу — айтгучининг фикри. Мен у билан мунозарига киришмоқчи ҳам эмасман. Фақат мана шу сатрлардаги туйғуларим ростлигини, байроғимизни кўрганимда ё мадҳиямизни эшитганимда менда чиндан ҳам шундай ҳиссиётлар уйғонишини айтмоқчиман, холос. Бундай туйғу бир қадри нарсасига интиқ бўлиб? сўнг унга етишган ҳар қандай инсон қалбига бўлади. Ўша қадрили, қимматбаҳо нарсаси ишончли қўриқланаётганини билса-да, дилидан хавотир кечаверади. Унга қимдир кўз тиккандек, йўқотиб қўйиши мумкиндек туюлаверади. Балки дилимда айнан шундай ҳиссиётлар борлиги учун мен ҳамма мадҳиямизнинг ҳурматию жойига қўяман, қаерда ва қачон эшитсам, қўлим беихтиёр кўксимга келади. Урнимдан тураман.

Қасбим тақозоси билан турли инсонлар билан суҳбатлашаман. Ўзимникига ўхшаш туйғулар ҳақида эшитсам, дарров кўзимга ёш келади. Худого шукр, “Ватан” сўзи, унинг ажралмас бўлаги бўлган “мадҳия”, “байроқ” сўзлари ҳам китоблардан юракларга кўчапти, дейман.

Бокс бўйича жаҳон чемпиони Ҳасанбой Ҳўсратовнинг онаси билан суҳбатлашганимда бир воқеани эсланган эди:

— Шу ўғлим ўзи болагидан бошқача эди. Бир куни қариндошларимиз уйимизга меҳмонга келишди. Эрталаб телеканаллардан бирида мадҳия янграй бошлади. Меҳмон қариндошларимиздан бири худди шу пайтда телевизор олдида бориб, бошқа каналга олмоқчи бўлдим, Ҳасанбой жон-жаҳди билан:

— “Серқуёв”ни (болалар негидир мадҳиямизни кўпинча шунақа аташади, балки матндаги ўзларига энг яқин сўз бўлгани учундир) тўхтатиб бўлмайди, уни охиригача эшитиш керак! — деди. Қариндошимиз сал кейинроқ дастурхонга ўтирганимизда:

— Бу боландан бир нарса чиқади, — деди.

Балки ўқитувчиси қалбига сингдиргандир... Балки ўзи ҳавас билан томоша қиладиган спорт мусобақаларидаги юлдузли онларнинг таъсиридир, нима бўлганда ҳам бўлажак чемпионнинг қалбига мадҳия айтила бошлаганда тўхташ мумкин эмаслиги ҳақида тушушча бўлган. Аста-секинлик билан бу тушушча ўсиб, улғая борган. Биз Ҳасанбой Ҳўсратовнинг боксда эришган оламшумул ғалабаларининг илдизлари ҳақида гапирганимизда ундаги қизиқишни эрта англаб, йўлқўрсаткич бўлган ота-онасини тилга оламиз. Талабчан, қаттиққўл устозлари меҳнатларини айтмайиз. Ўзидеги тиришқоқлик, ирода, бардош ҳақида гапиримиз.

Мен ана шулар ичига бола ёшидан мадҳиямиз ҳарорати, қудратини ўз имконияти даражасида ҳис қилган Ҳасанбойнинг юрагини ҳам кўраман, чунки фақат жисмоний куч билан катта ғалабаларга эришиб бўлмайди. Сал шоирона қилиб айтганда, ўша катта майдонга — ҳаёт-мамонт майдонига чиқанда, бу йиғитнинг юрагига фақат ўзи эшитадиган, ўзи англайдиган овозда мадҳиямиз янграб турган бўлса ажабмас. Балки у “Сени ҳеч ким тўхтата олмайди, мана, ҳозир юрагимдан бошлаб бутун дунёда акс-садо берасан”, деб шивирлаб

ТОБОРА ҚУДРАТЛИРОҚ БЎЛИБ БОРАЁТГАН
ВАТАНИМИЗДА МУСТАҚИЛ ФИКРЛАЙДИГАН, ФИКРИНИ
ҚАТТИҚ ТУРИБ ҲИМОЯ ҚИЛАДИГАН ШАХСЛАР КАМОЛГА
ЕТМОҚДА. ДЕМАҚ, ЭРТАНИНГ ҚУВОНЧЛАРИ, ОРЗУЛАРИ
ЯНА ҲАМ БОШҚАЧАРОҚ БЎЛАДИ. УЛАР ОРАСИДА
ВАТАН ШАЪНИ, ФАХРУ ГҲУРРИ, ҚАДРИ БИЛАН БОҒЛИҚ
ТУШУНЧАЛАР (ШУ ЖУМЛАДАН, ВАТАН РАМЗЛАРИ ҲАМ)
ЮРАК КЕНГЛИКЛАРИМИЗДАН УЗОҚЛАШИБ КЕТМАЙДИ,
БАЛКИ КУЧ БЕРИБ, ҚУДРАТ БЕРИБ ЯШАБ ҚОЛАВЕРАДИ.

ҳам қўйгандир...

Ўйлаб қарасам, хотирам ва рақларига мадҳиямиз билан боғлиқ эсимдан чиқмайдиган воқеалар талайгина. Ҳалима Жуманиёзова исм-шарифли синглим бор. Узоқ йиллар мактаб, гимназия, олий ўқув юртларида муаллимлик қилган. Маънавият соҳасида ҳам бир неча йил ишлади. Айни пайтда вазият тақозоси билан АҚШда истиқомат қилади. Ўғли, келини ўша ерда. Утган йили набиралари билан уйимизга меҳмонга келишди.

— Эрталаб невараларимни қатор қилиб қўйиб мадҳиямизни эшиттираман. Ҳаммамиз қўлимиз кўксимизда, мадҳиямизни айтиб бўлгач, нонуштага ўтирамыз. Ўзим соғинчдан тўлиқиб кетган пайтларимда ҳам: “Олтин бу водийлар — жон Ўзбекистон”, дея қуйлаб юбурараман. “Аждодлар мардона руҳи сенга ёр”, дея қуйласам, ичимга бир қудрат қўшилгандек бўлади. Кўз олдимдан тулпорининг туёғидан олов сачраган Жалолиддин Мангубердилар ўта бошлайди...

Ҳалима гапиряпти-ю, менинг ҳам қулоғим остида мадҳиямизнинг жарангдор сатрлари янграгандек бўлади.

— Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл омон! Қуйларга йўғрилган бу сўзларнинг ичига ҳар сафар қалбим билан кирганимда тўғилган тупроғимга бориб келгандек бўламан, қуёш ҳароратида исингандек, зилол суварини ичгандек, ерлари тафтини ҳис қилгандек бўламан. Беш-олти дақиқа фурсатда тарихида бугунгача юрагим билан югуриб ўтаман, аммо чарчамайман, аксинча куч-қувват оламан...

Мен кўзлари ёниб гапирётган бу синглимга юз фозиз ишондим. Чунки биздан олис кетган кўпларнинг қалбига шундай туйғулар яшайди. Лекин баъзилар буни ўхшатиб айта олади, баъзилар эса кўксига уриб қўя қолади.

“Кўксига уриб”, дедим-у, яна бир суҳбат ёдимга келди. Аввалги

баҳорда Сирдарё вилоятига жамоамиз билан борганимиз. Менинг чекимга Сайхунбод тумани аёллари ишларини ўрганиш тушган. “Бахмалсой” маҳалласига навбат етганида бир мўъжазгина қулбада шашка ўйнаб ўтирган ўсмир ўғил-қизларга рўпара бўлганман. Булар шу маҳалланинг болалари экан. Уларга Дилафрўз Ортиқова исм-шарифли аёл мураббажлик қиларкан. Дарсдан сўнг шуғулланишлари учун бу уйчани Дилафрўзнинг қайнотаси Толибжон ота Темиров қуриб берган экан, ҳозиргача бу болалар орасидан шашка бўйича бир неча республика, ҳатто жаҳон чемпионлари чиқибди. Албатта, бундай савобли ишга бош-қош бўлган отани зиёрат қилмасдан кетмасдим. Отанинг суҳбат аввалида-ёқ гапирган гаплари ёдимда қолди.

— Мен келинимга: “Қизим, болаларга шашкани тахтага теришдан аввал Ватанимизнинг мадҳиясини ўргат! Мен спорт мусобақаларини кўп кузатаман: “Мадҳия айтишга тўғри келган пайтларда жуда кўплари фақат лабини қимирлатиб

туради, бу жуда хунук ҳолат. Ахир, байроғу мадҳияга етганлар бор, етмаганлар бор. Сенга шундай бахт насиб қилдим, жаранглатиб айтмайсанми”, дейман! Ҳар товуши янграганда кўксинга уриб-уриб қўйиб, юрагинг бу бахтни сезсин”, дейман.

Ота тилимнинг учига келиб турадиган сўзини айтган эди, мадҳия айтилганда сўзини билмасликдан оғзини очиб-қомиб турадиганлардан мен ҳам уялар эдим.

...Улуг халқ қудрати жўш урган замон,

Оламини махлиё айлаган диёр! — дея фахрланмаслик, онажон тилимизнинг сўзларини янграйтиш имкони турилганда, бу имконни бой берish ақлга сиғмайдиган ишдир.

Сўз сўзни етаклаб келади. “Им-кон” дедим-у, бир фикр хаёлимга келди. Олдинлари қишлоқларда радиокарнайлар бўларди. Тўғри, ҳозир ҳамманинг уйида телевизор, қўлида телефон, радиокарнайга мутлақо эҳтиёж йўқ. Лекин тасаввур қилиб кўрайлик-а, тонгда бутун қишлоқ бўйлаб мадҳиямиз янгради...

Фақат мактаблардаги дарслар эмас, ҳар бир хонадонда кун мадҳиямиз билан боланса! Хонадонларга, уйларга кўчган нарсаларнинг ҳаёт тарзимизга сингиши осон кечади.

Ҳаётимиз шиддатли равишда тез ўзгармоқда. Шунга монанд одамларнинг фикрлаш тарзи ҳам ўксаяпти. Тобора қудратлироқ бўлиб бораётган Ватанимизда муастақил фикрлайдиган, фикрини қаттиқ туриб ҳимоя қиладиган шахслар камолга етмоқда. Демак, эртанги қувончлари, орзулари яна ҳам бошқачароқ бўлади. Улар орасида Ватан шаъни, фахру гўрури, қадри билан боғлиқ тушунчалар (шу жумладан, Ватан рамзлари ҳам) юрак кенгликларимиздан узоқлашиб кетмайди, балки куч бериб, қудрат бериб яшаб қолаверади.

Шукроналик

ҲАЁТИМНИ ҚАЙТАДАН БОШЛАЙМАН

Сардор ШУКУРОВ

Эндигина 28 ёшни қаршиладим. Бундан икки йил аввал, гўрлик қилиб, кимларнингдир ёлғон даъватлари, гап-сўзларига қулоқ тутиб, нотўғри йўлга кириб қолдим, ноконуний хатти-ҳаракатларга қўл урдим. Ўзбекчиликка, мусулмончилиқ таомийлларига мос келмаган ақидаларга тушунмай эргашдим.

Ҳалиям, муастақил Ўзбекистонимизнинг одил суди адолат қилди: Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига қўзда тутилган жазонинг энг кам муддати — уч ярим йилга озодликдан маҳрум қилиндим. Икки йилдан буён Жиззах вилоятидаги 30-жазони икром этиш муассасасида жазо муддатни ўтаётган эдим.

Бахтимга Президентимизнинг Конституция қабул қилинганнинг 28 йиллиги муносабати билан “Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган, қилмишига чин кўнглидан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги фармонига биноан, муддатидан аввал озодликка чиқялман. Биз каби адашганлар, қилмишидан пушаймон бўлганлар учун зўр имконият, катта сабоқ бўлди. Ва энг муҳими, Президентимиз олиб

бораётган халқпарвар сиёсатнинг ҳаётдаги яна бир ифодасидир.

Жазони ўташ муассасасида ўтган икки йилдан ортқ ҳаётим даврида кўзим очилди. Зеро, инсон озодлик қадрини, оиласи бағрида, яқинлари қуршовида яшашнинг ҳузурини ана шу неъматларни йўқотганда билар экан. Ўзбекистон Конституциясининг 31-моддасида белгиланган “Ҳамма учун виждон эркинлиги қафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”, деган фикрларнинг асл маъносини энди тушуниб етдим.

Ҳаётимни қайтадан бошлашга, оғир кунларда мени қўйлаб-қувватлаган, тўғри йўлга тушиб олишимга имкон берган Ватаним ва халқим ишончини оқлашга ҳаракат қиламан.

ЎТТИЗ ЙИЛЛИК ТАНАФФУСДАН СЎНГ...



Анвар НУРХЎЖАЕВ, Ҳ. Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти директори

Президентимиз жорий йилнинг октябрь ойида геология соҳаси мутахассислари билан ўтказган навбатдаги учрашувда “Биз геология соҳасида ўттиз йил танаффус олдик”, деган эди. Шу мулоқотда мен ҳам қатнашганим ва ўша дамда “танаффус”нинг оғир хотиралари хаёлимда жонланди.

Ўша пайтларда, аввало, соҳага бўлган молиявий муносабат етарли даражада эмасди. Яъни геологиянинг қаттиқ маъданлар ёки углеводородли тури бўлсин, истиқболли майдонларни излаш, қидириш ишлари етарли даражада маблағ ажратилмасди. Умуман олганда, геология-қидирув ишлари беш босқичдан иборат кетма-кетликда тизимли олиб бориладиган мураккаб жараён. Шунча босқичлардан муваффақиятли ўтилганга кон очилади. Афсуски, ана шу ўқ жараёнлар учун нафақат сабр, балки маблағ ҳам етишмас эди. Иккинчидан, дала шароити геология бургилаш ускуналари,

лаборатория жиҳозларини модернизация қилиш замон талабда эмасди. Тўғри, мураккаб дала бургилаш ишлари аллақачон хизмат вазифасини ўтаган ускуналар ёрдамида баҳоли-қудрат олиб борилди. Геологларнинг катта авлоди томонидан ўтган асрнинг охириларида топишган конлар эвазига соҳа мавқеи жонқуяр, касбига сид-қидилдан меҳр қўйган захмат-каш геологлар, муҳандис-техниклар, технологлар ҳисобига аранг сақлаб қолинди. Бу эса, ўз навбатида, топилмаган конлар фонди камайишига, мавжуд сановат корхоналарининг стратегик режаларига ва янги сановат объектлари барпо бўлишига салбий таъсир кўрсатди.

Учинчи оғриқли нуқта — кадрлар масаласи. Геология соҳаси мутахассислари, кадрларини тайёрлаш паст суръатларда олиб борилганига

такомиллаштириш ва 2020-2021 йилларда минерал-хомаше базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш давлат дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2020 йил 8 июндаги “Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси тизимида Геология фанлари университети фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларининг қабул қилиниши соҳа йўналишида туб бурилиш ясади.

Айниқса, Геологлар кунининг қайта белгиланиши ер қаъридаги бойликларни изловчилар қаддининг юксак бўлишига замин тайёрлади. Эндиликда улар ўзларининг расмий касб байрамига эга бўлдилар.

Геология соҳасининг минглаб муҳандис, техник, илмий ва ишчи ходимлари қапбарини ифтихор ҳиссиётларига тўлдирган воқеа эса Президентимиз томонидан

га қиёслаш мумкин. Шубҳасиз, ер ости бойликлари геологияси ва қидирув соҳасини ривожлантириш, геология-қидирувга оид ишлаб чиқаришни кенгайтириш, минерал хомаше базасини яратиш ва мустаҳкамлаш, фойдали қазилма конлари очиш ва сановат йўсинида ўзлаштиришга топириш, геология-қидирув ишларини амалга оширишда ва фойдали қазилмаларни қазиб олишда экологик жиҳатдан тоза, илғор ва инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш, соҳа учун чўқур билимга эга кадрлар тайёрлаш борасида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчиларни янги-янги марраларга эришишга, дунё меҳваридан муносиб ўрин эгаллаётган Ватанимиз равнақини юксалтиришга, иқтисодий салоҳияти ошишига олиб келади.

Эндиликда геология, геофизика, гидрогеология, томография, геодезия тармоғининг юқори малакали геологлари ва муҳандис-техник ходимларига ҳамда илмий тадқиқот ва таълим муассасаларининг тажрибали мутахассислари меҳнатининг қадри ва қиймати бўлади. Иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бўлган бу соҳада ёш ва малакали кадрлар юксак эътирофга лойиқ бўлишга интилади, билим ва салоҳиятини ошириб боради. Натижада соҳага янги тенденциялар, ёндашувлар кириб келади. Тармоқ ривожлангач, ўз-ўзидан иқтисодиёт ҳам анча тараққий топади. Янги истиқболли лойиҳалар йўлга қўйилгач, аҳоли учун янги иш ўринлари яратилади.

Таъкидлаш жоизки, амалга оширилаётган бу каби кенг миқёсдаги ишлар биз, геологлар зиммасига юксак масъулиятни юклайди. Шунинг қалбани ҳис қилган ҳолда ҳар бир ходим зиммасига юклатилган вазифани сидқи-дилдан адо этиши, фаолиятини танқидий баҳолаб, замон талабига мос илғор техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда меҳнат қилиши лозим.

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ

Бошланиши 1-бетда

Уйғун ҒОҒУРОВ, Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти ректори:

— АҚШ Давлат котиби Майкл Помпео Ўзбекистоннинг диний эркинликларни бузувчи мамлакатлар рўйхатидан тўлиқ чиқишига муносабат билдириб, юртимиздаги кенг қамровли ислохотлар бошқа давлатлар учун ҳам намуна бўлиши кераклигини айтди. Бунинг замирида кўп гап бор. Ягона олий диний таълим муассасаси сифатида фақатги-

на Тошкент ислом институти бор эди. Кейинги йилларда Ўзбекистон халқаро ислом академияси ташкил этилди. Самарқандда Ҳадис илми мактаби, Бухорода Мир Араб олий мадрасаси фаолият бошлади.

Ҳаж ва Умра зиёратларига борадиган фуқароларимиз учун ўринлар кўпайгани, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонуннинг янги тахрирда қабул қилиниши, муҳими бу жараёндаги муҳокамаларда нафақат юртимиз фуқаролари, балки халқаро

ташкилотларнинг ҳам фикрлари инобатга олингани эътиборга молиқ бўлди.

Мамлакатимизда барча дин вакиллари Ўзбекистонни азиз ватани, деб билаётгани ва виждон эркинлиги кафолатланганини ҳис қилиб яшаётгани бугунги ютуқларимиз инъикосидир.

Бугун Ўзбекистонда бўлаётган ислохотлар ҳам қонунда, ҳам амалда тўлиқ акс этапти ва бу халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилаётгани биз учун қувонарли ҳолат.

ВИКЕНТИЙ, Рус православ черкови Тошкент ва Ўзбекистон епархия митрополити:

— Бугун Ўзбекистоннинг махсус кузатувдаги давлатлар рўйхатидан чиқарилгани тўғрисидаги хушхабарни қарши олдик. Бу, энг аввало, Ўзбекистон Президенти томонидан олиб борилган саяё-ҳаракатларнинг самарали натижасидир. Шукри, Ўзбекистонда диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ҳукмрон. Биз бир ватанда ягона оила бўлиб умргузaronлик қиялпмиз. Бу мамлакатимизнинг энг катта ютуғи ва афзаллигидир. Ўзбекистон бу борада олиб бораётган ишлари билан бошқа давлатларга ўрнак бўлмоқда. Кун сайин барча соҳаларда ривожланишнинг гувоҳи бўлялпмиз.

Ежи МАЦУЛЕВИЧ, Рим-католик черкови раҳбари:

— Кейинги йилларда Ўзбекистонда барча йўналишларда ўзгариш ва янгиланишлар кузатилмоқда. Жумладан, дин ишлари ва ташкилотлари фаолиятида ҳам. Бизнинг диний идорамиз ҳам бу ерда эркин фаолият юритмоқда. Турли дин вакиллари билан алоқаларимиз мустаҳкамланиб борапти.

Айтиш керакки, дунёда бу қадар дин ва эътиқод вакиллари кўп давлатлар санокли. Ўзбекистон турли миллат ва маданиятларни бирлаштирган ва улар бу юртда эмин-эркин истиқомат қиялпти, фаолият олиб борапти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан юритилаётган сиёсатда ҳам бу борадаги ишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қодир ЖЎРАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати:

— Мамлакатимизда кейинги йилларда фуқароларнинг диний эркинлигини таъминлаш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Жумладан, аввало, бу соҳада ҳуқуқий асослар тубдан такомиллашди. Қолаверса, ҳаётий-танқидий баҳолаб, замон талабига мос илғор техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда меҳнат қилиши лозим.

ва эркинликларни соҳасида яхши натижаларга эришилди. Юртимизда бу борада эришилган ютуқларнинг халқаро миқёсда тан олингани Президентимиз ташаббуси билан демократик давлат, очик фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида қўлга киритилган муҳим ютуқлардан биридир.

Бу халқаро эътироф бизга нима беради, деган савол туғилиши табиий. Бунга жавоб сифатида шуни айтиш мумкинки, энг аввало, жаҳон миқёсда мамлакатимизнинг нуфузи юксалди. Дунё мамлакатлари, айниқса, ривожланган давлатлар билан алоқаларимиз кенгайди. Бу эса иқтисодиётимизга инвестиция оқимини кўпайтиради. Табиийки, бу имкониятлар халқимизнинг турмуш фаровонлигини юксалтиришга, жамият тараққиётини ривожлантиришга хизмат қилади.

ХАЛҚ БОЙЛИГИНИ АСРАШ БАРЧАМИЗНИНГ ВАЗИФАМИЗ

Худойберди КАРИМОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Конституциямизнинг 50-моддасида “Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар”, дейилган. Бундан юртимизда ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойлик ҳисобланади, уларни кўз қорачиғидек асрашимиз, оқилона фойдаланишимиз зарур, деган хулоса келиб чиқади.

Атроф-муҳитнинг жорий ҳолати, глобал ва минтақавий экологик муаммолар, янги экологик хавф-хатарлар эътиборга олинган ҳолда ишлаб чиқилган “Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси” ҳам, давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 30 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони ҳам Бош Қомушимизда белгиланган ана шу меъёрларга ҳамоҳанглиги билан аҳамиятли.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг Жиззах вилояти бошқармаси жамоаси томонидан ҳам мазкур муҳим ҳужжатлар билан белгиланган вазифа ҳамда топшириқлар ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 январдаги “Давлат ўрмон фондида кирмайдиган ерларда дарахтлар ва буталардан фойдаланишни тартибга солиш ва улардан фойдаланиш соҳасида рухсат бериш тартибини

янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоят ҳудудида 100 ёшдан ошган тут, ёнғоқ, чинор ва тол каби дарахтлар хатловга олинди. Улар маҳаллий ҳокимият идоралари қарорлари билан “Давлат табиат ёдгорлиги” деб эълон қилинди. Зеро, ушбу рўйхатга кирган Форис туманининг Ухум қишлоғидаги минг ёшдан ошган арча, Зоминдаги экилганга 700 йил бўлган, деб ҳисобланадиган ёнғоқ, Баҳмал, Ғаллаорол, Шароф Рашидов туманлари ҳудудларидаги бошқа кўплаб асрий азим дарахтларни, ҳақиқатан ҳам, табиат мўъжизаси, олис тарихдан бугунги кун авлодларига қолдирган мислсиз тўхфа, дейиш мумкин.

— Маълумки, жорий йилнинг 15 март куни Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси ва “Мерос” жамоат фонди ҳамкорлигида “Яшил Ватаним” акцияси ўтказилди ва дарахт кўчатларини экиш тадбирлари уюштирилди, — дейди кўмитанинг Жиззах вилояти бошқармаси бошлиғи Эркин Холматов. — Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида катта кўтаринкилик билан ўтказилган ушбу акцияда бизнинг вилоятимиздан ҳам 1000 нафардан зиёд кўнгилли иштирок этди.

Жиззах шаҳридаги “Ўрда” экологик боғи экоҳашарнинг бош майдонида айланган. Бу ерда вилоят ҳокимлиги ва бошқармаси ташаббуси билан Жиззах шаҳри Маънавият ва маърифат бўлимининг, Ёшлар иттифоқи шаҳар кенгаши ва шаҳар Маданият бўлими ҳамкорлигида “Биз келажак учун жавобгаримиз!” шиори остида турли тадбирлар ташкил этилди. Боғ ва унинг ҳудудидаги Бобо якка зиёратгоҳида кенг қўламадаги тозалаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Бундай хайрли ишлар бутун вилоят ҳудуди бўйлаб давом этирилди. Умуман, шу куннинг ўзида вилоятнинг барча шаҳар ҳамда туманларида қарийб 5000 туп ноёб ва қимматбаҳо манзарали дарахт кўчатлари экилди.



Таъкидлаш жоизки, бундан икки ярим йил аввал ушбу шаҳарда “Обод маҳалла” дастури асосида мисли кўрилмаган кенг қўламадаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилган эди. Жорий йилги экотадбир давомида эса ўша кунларда

шаҳарнинг кўча ва хиёбонларига экилган **27,5** минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахтлар, **100** минг тупдан кўп гул кўчатлари, **22** минг квадрат метрга яқин майдонга тўшалган чимзорлар сувга қондирилди.

— Вилоят марказининг диққатга сазовор масканларида бири саналган Шароф Рашидов боғида ўсиб-ўнаётган турли дарахтлар ҳам давлат назоратига олинди, — дея маълумот беради Жиззах шаҳар инспекцияси раҳбари Жамшид Ҳасанов. — Боғда бугунги кунда ҳар бирига алоҳида ёрликлар осилган минг тупдан ортиқ Қрим қарағайи, каштан, мовий ва тоғ арчаси, япон олчаси, гипарус, лола, эман, можевельник каби манзарали ўсимлик, бута ва

дарахтлар барқ уриб ўсмоқда. Ушбу сўлим гуша жиҳзаҳликлар ва шаҳарга таширф буюрадиган минглаб меҳмонларнинг сеvimли масканига айланган. Улар боғдаги микроклим, тоза ҳавода баҳраманд бўлиш, соя-салқинда хордик чиқариш имкониятига эга бўлишаётир.

Экология ва табиатни ҳимоя қилиш тизими вакиллари томонидан жорий йилнинг 28 июль – 2 август кунлари ўтказилган “Дарахтларни сугориш акция-

си” ҳам бу борадаги савобли юмушларнинг давоми бўлди. Коронавирус пандемияси авж олган кунларда, барча эҳтиёт чоралар қўрилган ҳолда ташкил этилган бу тадбирларда ҳам Жиззах воҳасининг минглаб аҳолиси, асосан кўнгилли эковолонтерлар фаол иштирок этди.

— Гагарин шаҳри нафақат Мирзачўл тумани маркази, балки азим чўлнинг қоқ марказида жойлашганлиги билан ҳам эътиборни тортади, — деди биз билан суҳбатда бошқарма ахборот хизмати раҳбари Заммира Абдуллаева. — Шунинг учун Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси ва “Мерос” хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил қилинган дарахтларни сугориш акцияси ушбу шаҳар ободлиги учун алоҳида аҳамият касб этди.

Таъкидлаш жоизки, бундан икки ярим йил аввал ушбу шаҳарда “Обод маҳалла” дастури асосида мисли кўрилмаган кенг қўламадаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилган эди. Жорий йилги экотадбир давомида эса ўша кунларда шаҳарнинг кўча ва хиёбонларига экилган 27,5 минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахтлар, 100 минг тупдан кўп гул кўчатлари, 22 минг квадрат метрга яқин майдонга тўшалган чимзорлар сувга қондирилди.

Туманининг экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш инспекцияси ҳамда Ободонлаштириш бошқармаси жамоалари марказий ва ички йўлларда, боғ ҳамда хиёбонларда ўсаётган дарахт буталарга алоҳида эътибор қаратишди. Умумхалқ ҳашарида, шунингдек, “Ўзбекистон”, “Ғалаба”, “Мустақиллик”, “Мирзадала”, “Дўстлик” маҳаллалари аҳли фаол иштирок этди. Энг муҳими, амалга оширилган бу ишларнинг самараси бугун кўзга ташланмоқда.

Президентимизнинг “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қи-

лиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони билан дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навларининг кеси-лишига 2 йиллик мораторий эълон қилинган. Жиззах вилоятида “яшиллик дунёси”ни асраш борасида эътироф этишга арзирли ижобий ишлар амалга оширилаётганини айтган ҳолда, адолат учун, мораторийнинг бузилиш ҳоллари ҳам кўзга ташланаётганини қайд қилиш зарур.

Мана битта мисол. Пахтакор туманида “Эко манзараси” деб номланган фермер ҳўжалиги мавжуд. Номланишидан келиб чиқладиган бўлса, ушбу ҳўжалик раҳбари атроф-муҳит муҳофазасига алоҳида эътибор қаратиши зарур эди. Аммо ундай бўлмади. Фермер ўз даласидаги 11 туп ноёб ясин дарахтини бир шериги билан кесиб, сотгани олиб кетаётган пайтда қўлга тушди. Қондабузар фуқарога нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирилди ва у давлат хазинасига 1 миллион 784 минг сўм жарима тўлади. Бундан ташқари, ундан табиатга етказилган зарар ҳам ундириб олинди.

Баҳмал тумани экологларининг ишонч телефонида Турон қишлоғида яшовчи фуқаро томонидан Сангзор дарёси муҳофаза ҳудудида дарахт кеси-лаётгани ҳақида кўнгирок бўлади. Тезкорлик билан қўрилган чоралар натижасида туманининг “Молғузар” маҳалласида яшовчи фуқаро, ҳақиқатан ҳам, дарёнинг муҳофаза зонасида ўсаётган терак дарахтларини берухсат кесиб ташлагани аниқланди. Қонунбузар жазосиз қолмади. Ноқонуний хатти-ҳаракатлар унинг оиласи бюджетига моддий зарар етказди. Табиатга зарар етказгани учун айбдорга 3 миллион 230 минг сўм жарима белгиланди.

Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси халқ бойлиги экан, уларни қўриқлаш, асраш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Янги Ўзбекистон мактаб остонасидан бошланади



ЯНА ДАРСЛИК ҲАҚИДА



Саъдулло ҚУРОНОВ,
филология фанлари бўйича
фалсафа доктори

Президентимизнинг шу йил 30 сентябрда Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида бугун аниқ ва табиий фанларни ўқитиш методикаси мураккаб тузилгани, уларда назарий билимлар амалиёт билан боғланмагани, ўқув дастурларида узвийлик йўқлиги, дарсликлар мазмуни ва сифати коникарсиз экани ҳақли эътирозларга сабаб бўлаётгани алоҳида таъкидланган эди.

Амалдаги таълим стандартлари ҳамда ўқув дастурлари, асосан, ўқувчини таълимнинг навбатдаги босқичига тайёрлашга йўналтирилган бўлиб, уларни эркин фикрлаш ва мустакил ҳаётга тайёрлаш масаласи эътибордан четда қолаётгани айтилиб, бундай ҳолатларга барҳам бериш учун хорижий экспертлар ва тажрибали ўқитувчиларни кенг жалб қилган ҳолда умумий таълимнинг Миллий ўқув дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш ва жорий ўқув йили давомида уни илмий тадқиқот ва таълим муассасаларида синовдан ўтказиш лозимлиги белгилаб берилган эди. Шу боис, бугунги кунда мактаб дарсликларини қайта кўриб чиқиш ва уларни ўқувчилар табиатига мос равишда тайёрлаш масаласи долзарб вазифалардан бирига айланди.

Бундан анча олдин “Жаҳжи академик” журналида “Тилга эътибор — элга эътибор” номли саҳифа очиб, унда она тилидан қизиклари, дарсликлардан фарқ қилувчи машқлар ва топшириқлар бериб боришга жазм қилдик. Мактаб дарсликларидаги кўр-қўрона ёд олишга қаратилган қоидабозлик, грамматикага асосланган ўқитиш усули бизни қониқтирмасди. Гўёки бола тили эмас, унинг қонуниятларини билишга, ёд олишга мажбур эди.

Ушанда бу саҳифани бирор мутахассисга топширишга қарор қилиб, бошқалардан айрича фикрлайдиган педагог-тилчиларни қидирдик. Тавсия қилинган энг яхши номзодлар билан ишлаш бошладик. Лекин уларнинг айримлари мақсадимизни тушунмас, қоидабозликка асосланган зерикари ишланмаларини кўтариб келаверишарди. Бир куни шундай ўқитувчиларнинг бири билан суҳбатлашиб қолдим:

— Кеңирасиз, мана 2-синф она тили дарслигини олинг. “Жарангли ва жарангсиз ўндошлар” мавзусида берилган қоида бир саҳифани тўлдириб турибди. Айтинг-чи, шунинг 8 ёшли бола ҳазм қила оладими? Умуман, жарангли ва жарангсиз ўндошларни қоида билан билиш болага нима беради? — сўрадим мен.

— Бу нима деганингиз?! Ахир бу саводхонлик учун зарур!
— Ҳа, ўлманг, саводхонлик муҳим. Лекин бола сўзлашувда айрим товчулар “п” айтилгани билан, ёзма нутқда

“б” ёзилишини тушуниб олиши учун “жарангли” ёки “жарангсиз” деган терминларни билиши, шунга боғлиқ мураккаб қоидаларни ёд олиши шартми? Бу каби саводхонлик малакаларини муайян матн ва машқ, шу жумладан, ўқитувчининг содда тушунтиришлари асосида ҳам шакллантириш мумкин-ку!
— Қоида ҳам керак-да, қоида ни ёдламаса, эртага ўқишга қира олмайди! — наҳот шуни ҳам билмасанг, дегандек жигибирон бўлди мутахассис.

Барини тушунгандек бўлдим. Ҳар ҳолда мен кўраётган катта мантиқсизлик учун асосли, ягона жавоб эди бу. Демак, биз болага ўз она тилидан самарали фойдаланишни эмас, ДТМ тестларини қандай ечишни ўргатар эканмиз. Дарвоқе, болалар буни ёмон ўзлаштирмайпти. Олий таълим муассасаларига кириш синовларидаги балларни қаранг. Дарсликлар асосида тузилган ўта қийин тестларни абитуриентларимиз осонликча ечишмоқда ва бу малака йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Аммо кейин-чи? Ёшларимизнинг миллий тилимиз билан боғлиқ кейинги ҳаёти қандай кечди? Афсуски, мактабларда она тили дарслирига энг кўп соат ажратилишига қарамай, ёшлар саводсиз бўлиб қолишди. Ўзлари мустакил кичикроқ мақола ёзиш туғул илмий-оммабоп мақолаларни тушунишда, ўзлаштиришда қийинчиликларга дуч кела бошладилар. Аксар ёшлар ўзбек тилида ўз фикрини раво, эркин етказишни билмайдди. Чунки биз мактабларда тилини амалий жиҳатдан ўргатмаймиз. Зеро, олдимишга қўйилган мақсаднинг ўзи тўғри эмас!

Шу сабаб бўлди-ю, хорижликлар она тилини қандай ўргатаркан, деган савол бизни қийнаб бошлади. Иш жараёнида инглиз, фин, турк мактабларида она тилини ўқитиш методологияси ўрганилди. Маълум бўлдики, уларда ёндашув бутунлай бошқача.

Жаҳон тажрибасига кўра, она тилини ўқитиш болада тилга доир тўрт кўникмани шакллантиришга қаратилади. Яъни ўқиб тушуниш, тинглаб тушуниш, нутқ сўзлаш ва ёзиш кўникмаларини яхши ўзлаштирган ўқувчи она тилини билувчи шахс сифатида шаклланган ҳисобланади. Бунда, асосан, тил қонуниятлари эмас, балки кўпроқ тилининг амалий жиҳатлари ўргатилади. Бу тизимнинг ўзига хослиги шундаки, унда она тили фанига шунчаки ўқув предмети сифатида қаралмайди. Тил бутун борлиқни — табиатни, жамиятни, фанларни, ўзлиқни англаш ва ўрганиш воситасига айлантирилади. Ўқувчи она тили фанини ўзлаштириш жараёнида уни турли ижтимоий муносабатларда қўлланиш ўрганади. Математика, физика, кимё, биология, география, иқтисод, сиёсат, жамиятшунослик каби фанларни ўзлаштиришда тил омиллини ҳис қилади. Эртага ўзи муайян соҳа мутахассисига айланганида мактабда олган билимлари эвазига ўз тилида иш юритишга, нутқ сўзлашга, мақола ёзишга, муҳими, теран фикрлашга қийналмайди.

Агар биз хорижий тажрибани ўрганиб, ундан миллий тилимиз ва мавжуд шарт-шароитларга мос жиҳатларини ўзлаштирар эканмиз, табиийки, фан предметларию муайян структурал ўзгаришлар қилишга ҳам мажбуримиз. Ақс ҳолда қилинаётган ўзгаришлардан маъни бўлмайди. Яъни тил ўқитишдаги пировард мақсадимиз ўзгараркан, анъанавий фан тузилмаларида ўзгаришлар бўлиши тайин. Шу жумладан, бошланғич синфлардаги ўқиш ва она тили фанининг бирлаштирилиши ҳам олди-мишга қўйилган мақсад ҳосиласидир.

Демак, биз энди болаларимизга фақат ўқишга кириши, тестни яхши ечиши учун она тилини ўргатмаймиз. Энди мактабда олинган билимлар тест синовларидан муваффақиятли ўтгандан кейин кераксиз бўлиб қолмайди. Сабаби, биз болаларни она тили фани воситасида катта ҳаётга тайёрлаймиз. Олдида бирор намуна қўйилмаганича ариза ёза олмайдиган, кичикроқ тадбир ёки маросимда тўртта гапни бир-бирига боғлаб нутқ сўзлай олмайдиган авлодни етиштириш бизнинг мақсадимиз эмас! Шундай экан, она

тили дарсликларимиз турли грамматик қоидалардан имкон қадар тозаланади, “Маънодош сўзлар”, “Гапда сўзларнинг боғланиши”, “Феъл кесим ва от кесим”, “Эга эргаш гапли қўшма гаплар” ва шу каби мавзулар бўлмайди. Ўқувчилар кўпроқ матн билан ишлайди. Энди мавзулар тилининг муайян ижтимоий вазиятларда қўлланилиши нуктаи назаридан танланади.

Масалан, “Навбатда туришни биласизми?”, “Ой Ердан каттами?” “Жамоат транспортлари”, “Сўзни топиб ишлатинг”, “Ўзим харид қиламан”, “Жамғарма пулларим”, “Дастурчилик қандай касб?”, “Хуқуқшунос — ҳуқуқ посбони”, “Менинг биринчи бизнес лойиҳам”, “Нобель мукофоти”, “Бахслашганда ҳурмат қил”, “Ўзбекчаси бор-ку?!” “Сайёҳларга гидлик қилсам-чи?”, “Оқ саройга битилган ҳикмат”, “Туризм — иқтисоди-миз таянчи”, “Менинг блог постларим”, “Муқобил энергия”, “Мактаб газетасини муҳаррири”, “Диктат, коррупция”, “Нанотехнологиялар”, “Ижтимоий тармоқлар”, “Замонамиз қаҳрамонлари” каби мавзулар янги дастурдан ўрин олган. Дарсликларда шу мавзулар доирасида турли матнлар, диалоглар, шеърлар берилади. Матн остида берилган топшириқ ва машқлар асосида эса бола тил грамматикасига доир кўникмаларни эгаллаб боради. Ҳа, эътибор қилинг, дарсликларимиз грамматик қоидалардан холи бўлиши, бола турли қоидаларни ёд олишга мажбурланмаслиги мумкин. Лекин грамматик кўникмалар ўз ўрнида қолади. Янги дастурда шу кўнга қадар мавжуд бўлган грамматик кўникмаларнинг деярли бари сақлаб қолинган. Шунчаки, энди бу қоидалар амалий жиҳатдан ўргатилади. Уларнинг шақлига эмас, мазмунига урғу берилади. Шунга мувофиқ, келажақда ДТМ тестларининг баҳолаш мезонлари ҳам ўзгаради.

Хўш, энди юқоридагилардан келиб чиқиб мулоҳаза қилайлик-чи. Янги ёндашувга кўра, она тили дарсликларини ўзгарса, турли қоидалар ўрнига кўпроқ матнлар билан ишланса, шу фан доирасида болада ўқиб тушуниш кўникмаси ҳам ривожлантирилса, унда ўқиш фани нега керак? Қайта-га, ўқиш ва она тили фанларини қўшиб юбориб, бир матн асосида ҳам ўқиш фанига доир, ҳам она тилига доир кўникмаларни узвий олиб бориш самаралироқ эмасми?

Бола ҳозиргина ўқиган матнидан таъсирланиб турган, ҳали тасаввурини совиб улгурмаган вақтда шу матн билан боғлиқ она тилига доир машқ ва топшириқларни бериш бутун дунё тажрибасида бор. Яъни ривожланган давлатларнинг таълим тизимида она тили ва ўқиш фанлари бир-биридан ажратилмайди. Зеро, бу икки фаннинг мақсад ва вазифаси деярли бир хил. Бундан ташқари, бизда ҳар икки фандан ҳам битта ўқитувчи дарс ўтати. Дарс соатлари биришса, умумий соат оқлама-сига, асосийси, ўқитувчининг маошига таъсир этмас, бу болаларимиз келажаги учун фақат фойда-ку! Яна жорий йилдан киритилган “Тарбия” фани ҳам моҳиятан амалдаги ўқиш фанига хос вазифаларни бажаради. Бу янги дарсликда ҳам дидактик руҳдаги ҳикоя ва эртаклар, шеърлар бериб борилади.

Шундай экан, хавотирга ўрин йўқ. Ҳозир амалга оширилаётган ўзгаришлар фақат бугунги куннинг меъаси эмас. Ўтган ўн йиллар давомида грамматикага асосланган она тили фанининг самарасиз экани, тил ўқитишдаги ёндашувни ўзгартириш кераклиги ҳақида замонамизнинг етук тилшунослари, педагоглар матбуотда қўлаб чиқишлар қилишган. Айниқса, профессор Бахтиёр Менглиевнинг “Маърифат” газетасида қилган чиқишларини янги ҳақда ёндашувга ўтиш учун дастлабки ҳаракатлардан бўлган дейиш мумкин. Янги дастур, янги фан, янги дарсликлар мавжуд ҳолатимиз, ўтган йиллар давомида таълимда йўл қўйилган хато-ларни чуқур таҳлил қилинган ҳолда хорижлик ва ўзимизнинг мутахассислар, амалиётчи ўқитувчилар иштирокида яратилмоқда. Энг муҳими, олдимишга қўйилган мақсад аниқ ва тўғри.

Мангуликка дахлдор

Нодир ҒАФФОРОВ,
Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия
ва спорт университети кафедра мудири,
Иқбол БОЛТАЕВА,
филология фанлари номзоди

Муайян тарихий босқичда вужудга келган маъмурий-жуғрофий, иқтисодий-сиёсий, ҳарбий-ҳуқуқий ва этник тузилманинг белгиланган чегараси, конституцияси, байроғи, терби, пул бўлиги ва бошқа атрибутлари бўлса-ю, асрлар мобайнида ривожланиб келган, адабий меъёрга туширилган давлат тили бўлмаса, айтилик, ўза тилда расмий иш юритса, у маънавий жиҳатдан мустамлакалчи қолаверади. Шукрлар бўлсинки, биз истиқлолга эришимиздан аввалроқ ўзбек тилига давлат тили мақоimini бериб, қонулаштира олдик. Давлат тили ҳақида қонун қабул қилинди.

ТИЛ — МИЛЛАТ ТИРИКЛИГИ РАМЗИ

Афсуски, жойларда ушбу қонун талабларига тўлиқ амал қилинмапти, деб бўлмайди. Бунга бевосита баъзи юртасида раҳбарлар ва кенг жамоатчилик вакилларининг беларволиги сабаб бўлмоқда. Шу боис, сўнгги йилларда бу муҳим ижтимоий вазифани тўла адо этишга қаратилган бир қатор меъёрий ҳужжатлар жорий этилди. Жумладан, Президентимизнинг 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва маъкеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ва 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ҳамда тил сиёсатини тақомиллаштириш концепцияси эълон қилинди. Ушбу ҳужжатларда ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаёти ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан ошириш, ёшларимизни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларга садоқат, улуғ аждодларимизнинг бой меросига ворилик руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлаш мақсади кўзда тутилган.

Лекин муаммолар ҳам етарли. Жамоат жойларда топонимик белгилар, лавҳалар, рекламалар кўпича хорижий тилларда, маънавиятимизга ёт мазмун ва шаклларда акс эттирилмоқда. Бу давлат тили талабларига, миллий маданият ва қадриятларимизга бепасандлиқдан, умумий саводхонлик даражаси эса тушиб кетаётганидан



далолат беради. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссияси ушбу масалаларни кенг жамоатчилик иштирокида жиддий ўрганиб чиқиши ва тартибга солиши зарур. Чунки ижтимоий объектларга ном бериш шунчаки шахсий ёки ҳусусий иш эмас. Бу барчамизнинг ватанпарварлик ва маънавий савиямизни яққол кўрсатадиган ўзига хос мезондир.

Модомки, тилимизни асраш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз экан, Атамалар комиссиясининг ҳуқуқий мақоimini ошириш, унинг расмий тасдиғини эси янги номлари жорий этилмаслиги амалиётини қўллаш маъқул бўлади, бизнингча. Шундангина янги ташкил этилаётган компания, фирма, корхоналар, фермер ҳўжалиги, дўкон каби юридик субъектларга ном қўйишда давлат тили тўғрисидаги қонунга зид келувчи паллартишликни бартараф этиш мумкин.

Соҳага оид илмий манбаларда қайд этилган қоидаларга кўра, топоним деганда, Ер шарининг қуруқлик қисмида жойлашган табиий жуғрофий ва сунъий (инсон яратган) объектларнинг атоқли оти тушунилади. Гап шу ҳақда борганида, ўзбек топонимистлари тадқиқотларида келтирилган қўйидаги фарқлашувларни ҳам кўздан қочирмаслик лозим, деб ҳисоблаймиз. Яъни шаҳарлар, шаҳарчалар (посёлка), қишлоқлар, овуллар ва мана шу тилдаги объектларнинг атоқли отлари ойқомин деган умумий ном билан, хусусан, шаҳарлар ва шаҳарчалар (посёлка) таркибидаги жой номлари, ўз навбатида, турли тилдаги табиий ёки сунъий физикавий-жуғрофий объектлар номини қамрайдиган урбаноним, шаҳардаги бозорлар номи агороним, қўча, бўлвар, хибонлар номи годоним, шаҳарликлар орасида машҳур

ЖУРНАЛИСТЛАР ТИЛНИ БУЗМАСА...

“Айрим телеканалларнинг сериаллар таржимасида, илмий-оммабоп фильмларни ўзбекчага ўғиришда томошабин гашини келтирувчи услубий гализликлар кўп учрамоқда. Масалан, бир телеканали кўрсатувларида “умон” сўзини океанга ҳам, денгизга ҳам, баъзан эса дараёга нисбатан ҳам қўллаш ҳолатлари кузатилади. Назаримизда, бу сингари нуқсонларни бартараф этиш учун телерадио журналистларини тайёрловчи ОТМлар талабалари ўрасида ана шундай кўрсатув ва эшиттиришлар матнини услубий таҳлил қилишни қучайтириш орқали бўлажак журналистларнинг лингвистик билим ва кўникмаларини ошириш зарур.

Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Чўлпон, Ғафур Ғулум каби улуғ адибларимиз азиз билган ҳамда назокат ва латифлигини гўзал тарзда намоён этган қўхна тилимизга соя солувчи жузъий ҳолатлар матбуотда ҳам кўзга ташланмади. Инчунун, “Ўзбек тилининг изохли лугати”га таянсақ, араб тилидан форслар орқали тилимизга кириб келган “тоят” сўзи “ортиқ даражада” деган доминант семага эга. Илгари адиб ва шоирлар бадий ифодада бирорта сифат ёки равишни сўздан аввал ҳеч қандай қўшимчасиз қўллаган. Ҳозир эса баъзан унинг ўрнига “бағоят”, “бағоятда” сўзларини ишлатамиз. Бу қўшимчалар “ортиқ даражада” деган туб маънони қай томонга ўзгартиряпти, деган савол туғилади. Ёки фаол қўйилишдаги “ахборотлар” сўзини олиб қўрайлик. Унинг негизи — “хабар”. Форсча “ахбор” “хабарлар” деган кўплик маъносини



англатади. Биз эса унга даставвал “от” суффиксини қўшиб, “хабарларлар”, кейин кам бўлса “ахборотлар” (ман-тиқан англаниса: “хабарларларлар”) тарзида айтадиган ва ёзадиган бўлдик. Яна савол туғилади: нега шундай қиламиз? Нега янги қўшимчани қўйишда

сўзнинг ўзақ маъносига жиддий эътибор бермаймиз?

Ҳозирги кунда бадийят, илм ва журналистика нутқида фаол истеъмолдаги “анчайин” сўзини баъзи филология фанлари профессорлари ўз мақолаларида “кўп, устун, анча, зўр” маъноларида нотўғри қўллаб келади. Она тилимиз заргари бўлган Шукр Холмирзаев эса уни доимо “шунчаки, атиги, бўлар-бўлма” деган маъноларда тўғри ишлатган.

“Кунлардан бирида дўстим Учқун Назаров: “Юринг, Абдулла акани бир кўриб келамиз”, деб қолди. Мен дафъатан ҳайрон қолдим: “Абдулла акани...” Бу гап Учқуннинг тилидан шундайгина, бемалолгина чиқиб кетди. Худди анчайин бир одам бетоб ётибди-ю, уни бирров кўриб келишимиз лозимдай” (Езувчининг “Абдулла Қаҳҳорни эслаб...” эссесидан олинди).

“Ай, Шукрат акам-а” эссесидан парча: “Эллиқка кириб қолдим. Ушанда халқ ёзувчиси, давлат мукофоти лауреати деган унвонлар олдим. Сир эмас, анчайин қаламқашлар ҳам бундай туғал саналарда Ёзувчилар уюшмасига кириб, юқоридаги маҳамаларга мактуб битиб, ўзларининг йилликларини “нишонлашни” сўрашар... бирон нишонга эга бўлишни исташар эди”.

Шукр Холмирзаев “анчайин бир одам” ва “анчайин қаламқашлар” бирикмасларида “зўр, кўп, анча” маъноларини эмас, аксинча “шунчаки” маъносини кўзда тутган. Бу сўзни қўллашда Шукр Холмирзаевдан иборат олишимиз маъқул бўлади. Зеро, “анчайин” сўзини нотўғри қўлловчилар “Ўзбек тилининг изохли лугати”нинг биринчи жилдидаги қўйидагича шарҳни ўқиб олса зиён бўлмас эди: “Анчайин 1. Унча аҳамияти бўлмаган; арзимаган, арзимас... 2. Чин кўнгилдан эмас, балки тил учиде қилинган; шунчаки, юзакигина”.

Туркий сўзларнинг гўзал товланишларига катта аҳамият берган Чўлпон, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Шукр Холмирзаев ва Тоғай Мурод сингари бадий тил билимдонлари кўп бўлганда тилимизда маъно бузилишлари ёки четдан термин қабул қилинишига чек қўйилган бўлар эди. Эътибор берсангиз, ўттиз йиллар аввал “қомус” дейилганида фақат энциклопедия тушунилар эди. Ҳозир бу сўз конституцияга нисбатан ишлатилаёттир. Ёки “ярмарка” сўзини олайлик. У русча-интернационал термин деб таърифланади. Аслида руслар уни ўрта асрларда туркий савдогарлардан талаффузини бузиб ўзлаштирган. Қозоқ ва қирғиз тилларида ҳозир ҳам “ярмарка” деган сўзи ўрнида “жарменке” (махсуслотни жар қақариб кел) деган сўз фаол қўлланилади.

Тоғай Мурод қўллаган сўзлар тилимиз тароватига ёт ажнабий сўзларни муложа қилиши турган гап. Керосин — ер мойи, шамол тўсувчи — елпана, зағиғалка — ёндиргич, шампун — сочсовун, папка — жузудон, доска — битик тахта, селка — уруғ сепгич каби сўзларни ўз асарларида гўзал ишлатган истеъдодли ёзувчимиз.

Яна бир мисол. “Сабил” (шевада “савин”) сўзи қирғинбарот жанглardan сўнг тутун ҳамда қон ҳиди ичида ганиб юрган от, ил, мол, мушук, паранда каби бошқа ҳайвонларга нисбатан тирик қолган одамлар томонидан айтилган ва ўзларидан узоққа ҳайдаб юборилган. Шундай қилиб, сабил — эгаси ўлган, ташландик ва қаровсиз жонивор. Демак, сабил қолгур — “эганг ўлиб, эгасиз қолгур” деган маънони англатади. Халқ бахшлари ихидидан келтирилган қўйидаги мисоллар фикримизни тасдиқлайди:

“Сенсиз сабил бўлар Чамбил элатим,

Эшитгин, Оққижон, йўғлаганимни, Сабил қилди Ширвондизин шаҳримни”.

Ўзбек тилининг тараққиёти натижасида кейинчалик “жони сабил” бирикмаси қўллана бошлади. У жонини эгасиз нарсасдек аямай қийнайдиган одамларга нисбатан ишлатилади.

Биз тилимизнинг бугунги ҳолатига доир айрим муаммоларнигина тилга олдик. Тилимизни асраш ва янада бойитиш эса ҳар биримиздан фидойиликни, ватанпарварликни талаб қилади. Миллат шавни ва истиқболи йўлида бу масалада орта йўл йўқ. Аввало, ёш авлод ва раҳбар ҳодимларнинг тил бобидаги саводхонлиги ва масъулиятини ошириш биринчи галдаги вазифамиздир.

Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 145 йиллиги

Маҳмудхўжа Беҳбудий ўз давридан қанча илғорлаб кетган ва умуминсоний қадриятларни эъозловчи инсон бўлмасин, жадидчилик ҳаракати ва адабиётининг бошқа намояндалари сингари, ислом оламининг диний-маърифий ғоялари асосида тарбияланган ва ҳаётининг сўнгги дақиқаларигача шу ғояларга содиқ қолган буюк ватандошимиздир.



Наим КАРИМОВ, академик

Унинг улкан жамоат арбоби, Туркистондаги жадидчилик ҳаракатининг асосчиси даражасига кўтарилишида ислом динининг муқаддас буюкларидан сув ичиб улғайгани ҳам муҳим аҳамиятга молик бўлган.

XIX асрнинг 60-йилларида Ўрта Осиёнинг Россия мустамлақасига айланиши ва ўлкада рус халқининг қонун-қондалари ва одатлари ҳукмронлик қила бошлаши Беҳбудий сингари халқнинг илғор кишилари олдига ўта муҳим вазифаларни қўйди. Улар иқтимоий, иқтисодий ва илмий-техник тараққиётда орқада қолган Туркистон халқи ҳақ-ҳуқуқларининг босқинчи давлат томонидан топталаётгани, шу ноҳус жа- раёнда халқнинг миллий хусусиятларини йўқотиб, ўзга халқ руҳиятига сингиб ке- тиш хавфи ҳам борлигини кўриб, энг ав- вал мусулмон халқларини бирлаштириш, иккинчидан эса, халқни маърифатлашти- риш орқали эрк ва ҳуррият манзилларига чиқишни ўз олдидарига мақсад қилиб қўй- ди. Бу ҳар икки вазифани бажаришда улар ислом дини қадриятларидан самарали фойдаланишга қарор қилди.

“Бизим мусулмон миллатининг вазифа- си надир?”, деб ёзган эди Беҳбудий “Мил- лат вазифаси” деган мақоласида. Унинг бу саволи каминанинг қулоғига: “Биз, мусул- мон миллатимизнинг қўлида қандай қу- рол бор?” деб эшитилгандек бўлади. Ва у жавоб бериб, деган эди: — Фақат мен де- рам: бизнинг қўлимиздаги бу шариятдур, бизнинг динимизнинг асоси бу Қуръондир. Бас, бизнинг ҳолимизи ислоҳ этмак-да осондир. Биз, алҳамдिलлоҳ, йигирма миллиён мусулмон, динимиз бир, тилимиз бир, жисмимиз бир...”

Беҳбудий ўзбек, қозоқ, нўғой, татар, туркман, дунган сингари миллатлардан иборат йигирма миллионли мусулмон халқини бирлаштириш ва шу халқларнинг саховатли бойлари ёрдамида диний ва дунёвий илмларни эгаллаган, келажақда мустақил давлатни идора қила оладиган ёш авлодни тарбиялашни зарур ва шарт деб билди. Унинг назарида, маърифатли авлод одамзодни диний, миллий ва син- фий жиҳатдан ажратмайдиган авлод бўлиб улғайиши лозим эди. Беҳбудийнинг ўзи ҳам шу масалалга ўта бағрикенглик билан қарар эдики, биз буни унинг “Қасди сафар” деган йўл хотираларида яққол кўрамиз.

Жисмоний ва руҳий жиҳатдан чарча- ган Беҳбудий 1914 йил 29 май, пайшанба кўни, кеч соат 7 да поездга ўтириб, икки ойлик саёхатга чиққан. Купеда Беҳбудий- нинг бир ўзи бўлгани учун унинг кечин- малари юрагидан аланга янглиғ отилиб чиқади. У ёзади: “Вагонда бир уйчага бир ўзум, сафарнинг аввали, ярим танҳолик таваҳхуш қелтирар. Абёт ўқуйман, фой- да этмас. Қўрқони қарим ўқумоққа шу- рў этдим, фараҳ келтирди... (таъдиқ бизники — Н.К.).”

Поезд ўз ҳаракати давомида шун- дай шаҳар ва қишлоқлардан ўтдики, гўё Беҳбудийда шу шаҳар ва қишлоқларда ав- вал ҳам бўлгандек таассурот қолди ва шу ҳол сабаб у бизга, Беҳбудийнинг ғойибона ҳамроҳларига, шу шаҳар ва қишлоқлар та- рихи билан боғлиқ ажабтовор воқеаларни сўзлаб бергандек бўлади.

XIX аср охири — XX аср бошларидаги Шарқ — у хоҳ Туркия, хоҳ Миср ёки Фалас- тин бўлсин, масжид ва мадрасалар, муаз- зинларнинг мусулмонларни эрта тонгда намозга чақирувчи овозлари, бир томон- дан, ҳашаматли уйлар, бог-роғлар, икин-

лар ва мактабхона, касалхона ва нихоят- да зийнатлик бир калисо ва Қуддусни(нг) ҳар бир минорасидан баланд хиштин бир минора ва устинда Қуддус уфқини овози ила тўлдира турган катта бир ноқус осул- гандур. Чаҳорбоғни(нг) ҳар ери тозадур. Русларнинг Қуддусда мундан бошқа яна 4 (та) катта калисолари бордур. Олдимдаги далилга дедим: “Кўрдингизми, русларнинг диндорлиги ва ҳимматини? Шундай тоғда йўқдан шундай жаннатдек жой қилибдур- лар. Аммо Қуддуси ҳарамии шарифнинг ичида порухоналар қилибсизлар?! Таби- йи, жавоб йўқ” (145-бет).

Беҳбудийнинг сафар таассуротлари билан танишар экансиз, Иккинчи жаҳон урушидан кейин хорижий мамлакатларга бориш ва у ерда яшаётган халқлар ҳаёти билан танишиш им- конияти туғилгач, совет матбуотида эълон қилинган сафарномалар хотирангиз- га келади. Уларда тасви- ранган хорижий халқлар ҳаёти билан музаффар, аммо оч-яланғоч яшаётган совет халқининг ҳаёти ўр- тасида осмон билан ердек фарқ бор эди. Мен шу фарқ илдиэларини Беҳбудийнинг “Қасди сафар” асарида кўргандек бўлдим. Аммо Беҳбудий тасвиридаги му- сулмон халқлар ҳаёти билан ўзга халқлар- нинг яшаш тарзи ўртасидаги фарқ мусул- монларнинг танбаллиги билан изоҳланса, ўзга халқлар ҳаёти даражаси билан совет халқининг яшаш даражаси ўртасида кат- та фарқнинг бўлганлигида “совет халқи” эмас, балки совет давлати айбдор эди.

Беҳбудий хотираларини ўқир экансиз, унинг “янги дунё” билан учрашувдан олган таассуротлари қанчалик рангин ва завқ- бахш бўлмасин, ана шу фарқ унинг юра- гида азоббахш тугунча бўлиб қолганини сезасиз.

Аслида, хорижий Шарқда яшаган му- сулмон халқи билан Беҳбудий даврида Туркистонда яшаган мусулмонлар ўрта- сида катта фарқ бўлмаган. Бу ҳар икки халқнинг қолоқлиги, мустамлакачилик- нинг кўринмас занжирлари билан чирмаб ташланганлиги сабаби улар юрагида, уларнинг қон томирларида эрк ва тараққи- ёт сингари орзулар эмас, аксинча, шукро- налик сингари диний, тўй-ҳашам сингари дунёвий доғмаларнинг зарралари жўш уриб тургандир. Беҳбудийнинг сафардан олдинги ҳаётининг ҳам, кейинги фаолият- тининг ҳам марказида ана шу доғмаларга қарши курашиш, ватандошларининг юмук қўзларини очиб, уларни миллий тараққиёт йўлидан етаклаш мақсади турди.

Дамашқ Беҳбудий сафарининг сўнгги, аммо асосий манзилларидан бири эди. Беҳбудий Дамашқда яшаган турли мил- латлар, фаолият кўрсатган мактаблар ва корхоналар тўғрисида тасаввур бергани- дан сўнг, шаҳарнинг кўрби бўлган жомеҳар ҳақида ёзади: “Жомеҳларнинг биринчиси

орасинда овруповорий кенг ва мунтазам бир йўл бино қилиниб, тарафайн лампа- лар ила мунаввар ва мунинг ўртасида ҳукумат қўноғи ва ани жворинда темир панжаралик аъло бир богча ва сайронгоҳ бино қилингандурки, инсон мунда ўзини бир Оврупо шаҳрида кўрар” (142-бет).

Сафарнинг ўзига хос ғаройиб томони шунда эдики, сайёҳлар учун белгиланган йўлда мусулмон масжид ва мадрасалари билан бирга насороларнинг калисолари ҳам жойлашган, яъни икки маданият, икки дин обидалари ёнма-ён яшар, Беҳбудий сингари сайёҳлар учун эса бу маданият ва бу динлардан бирининг обидаларини чет- лаб, иккинчисини зиёрат қилиш истағи ҳеч кимда тўғилмас эди. Инсониятнинг бир ота-онадан тўғилганлиги ҳақидаги ҳақиқат билан бу ерда ҳеч ким бахшашмас экан.

Қуддуси шарифдаги “калисо”ларнинг бирини зиёрат қилган Беҳбудий дафтари- га бундай ёзган:

“Рус калисосининг яқинида ҳар тарафи тош девор айлантурилган мусамман — саккиз бурж(л) и бир ҳовлига кирдук. Ўрта- синда бир кубба бор, ичига сандалига ўхшаш катта бир тош борки, ҳазрат Исо алай- ҳиссалом мунинг устидан осмонга чиқган, дерлар. Ўр- таси чўқур бир тошни маҳа- ли асои Мусо алайҳиссалом, дерлар. Мунинг яқинида йи- гирма қадар зинадан чўқур бир даҳмага қирилурки, Ро- биат ул-адавия ва Муҳаммад бин ал-Ҳасан разияллоғу анхунинг зиёратларидур... ..Мундан ароба ила яна бошқа йўлларни айланиб, Қуддус ичиндаги қабри ҳаз- рат Марям ва Исо алайҳис- саломга мансуб калисо ва бошқа машхур калисоларни зиёрат ва саёхатига азимат этдук...” (145-147-бетлар).

Бу каттагина иқтисосни келтиришдан мурод мусулмон ва насоро халқлар та- рихий-маданий обидаларининг нафақат Беҳбудий Шарқ ва айрим Ғарб мамлакат- ларига борган вақтда эмас, балки ундан аввал ҳам инсоният моддий ва маънавий маданиятининг ажралмас қисми сифати- да қадрлана бошлаганини айтиш, улардан бирининг мусулмонлар, иккинчисининг эса насоролар томонидангина эъозлан- май қолганини, ҳатто калисолар олдиди мусулмонларнинг нималарнидир сотиб ўтирганларини кўрани ва бунда катта маъно борлигини айтишдир.

Дарвоқе, Беҳбудий шундай калисолар- дан бирининг олдиди тошкентлик ёш ат- торнинг нималарнидир сотиб ўтирганини кўриб қолади. “Дўконига бироз ўлтурдук, — деб ёзади Беҳбудий. — Мамлакатдан сўради. Қўлига бир неча нусха “Ойна” ва Туркистон харитасини бердим. Аҳли савод экан. Тошканд шаҳрини кўрсатдим. Беихтиёр харита устиндаги Тошкандни ўлиб, кўзига суртди. (“Хуббул ватани мин ал-ийман”). Хусусан, ватан ва аҳли диёр-

ни(нг) қадри мусофирликга маълум бўлур. Ҳақиқатан, Ватан муқаддасдур” (147-бет).

Одатда сафарнинг сўнгги кўнлари ку- тилмаган воқеаларга бой бўлади. Беҳбу- дий Ёфадан Искандарияга кетаётган пай- тида яна бир ватандоши, тақдир тақозоси билан 5-6 йилдан бери Ҳиндистон, Ара- бистон, Миср ва Ҳижозни кезиб, турмуш аробасини юргизаётган қўқонлик йигит билан танишиб қолади. 2 июль кўни эса мусофирларвар танишларидан бири са- марқандлик “садаф тожири” Ҳожи Мир афандини учратиб қолади. Беҳбудий са- фарининг сўнгги бир-икки кўни Ҳожи Бақо Бухорийнинг Мисрда онган отелида Ҳожи Мир иштирокида кечади.

Беҳбудий “Қасди сафар”нинг сўнгги саҳифаларида Ҳожи Мир афандининг уч ўли борлиги ва улардан бирининг фран- цуз мактабини тугатганлигини айтиб, шу мактабда Беҳбудий иштирокида бўлиб ўтган битирув кечасини тасвирлаб ёзади: “Тошдан қилинган икки табақали мадра- садек катта бир мактаб. Биринчи, тиши Туркия ва Франция байроқ ва аломатла- ри илан зийнат берилган... Юздан зиёда насоро, яҳуд ва мусулмон боласи синф- синф чиқиб, франсузча, арабча абётлар ва нутқ ўқудилар. Мактаб боғида тўрт юз қадар мухталиф халқ бор. Мукофот учун берилтурган китоб ва албўмларини(нг) устига болани нўмраси илан қисм ва кўня- си ёзилган ва келтурув мактаб попослари тарафидан ҳар болани(нг) яқин одамига берилур. Бола келиб, сафарини ичидаги акрабосини(нг) қўлидан бахшишни олар... Араб муаллимлари араб либосига, яҳуд муаллимлари яҳуд либосига, франсуз муаллимлари тамоман русоний (пўп) қи- ёфатинда бўлур, бўюнларига салб осил- гандур...” (153-бет).

Беҳбудий давом этиб, ёзади: “Шом соҳили франсуз нуфузида, дерлар. Дар- воқе, франсузлар Порисдан қопчуқлар ила олпун келтурув, мусулмон ва араб болаларини мажоний ўқутиб ва, ҳатто, у чиркин, иштонсиз араб боласига ли- бослар бериб, яна ҳар сана дунё жаннати ҳисобланган Порисга мажоний саёхатлар қилдируб... келур” (уша бет).

Агар бу лавҳани диққат билан ўқисан- гиз, Беҳбудий “чиркин, иштонсиз” араб болаларига шундай меҳр-шафқат кўрсат- ган франсузлар устидан кулаётган эмас, балки Туркистонда ўзбек болаларининг маърифатли бўлиши учун Москвадан қоп-қоп тилла олиб келиб, франсузлар- дек улар устидан сочиш ўрнига, Турки- стон олтинларини ташиб кетажаклари-ю жадид мактаблари ва газеталарини эса ёпиш чораларини кўрганларига шама қилгандек бўлади.

Беҳбудий бевосита журналистик фа- оляти билан боғлиқ сафарга чиққан бўлса ҳам, уни Самарқандда бундан-да муҳим ишлар кутаётган эди. Шу ҳол Беҳбудийга “Қасди сафар”нинг сўнгги саҳифалари- ни ёзиб, унга нукта қўйиш имкониятини бермаган. Шунга қарамай, “Қасди сафар” Беҳбудийнинг публицистик меросида алоҳида ўринни эгаллайди.